

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛТЕТИ
ЖАҲОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

4-курс “А” гуруҳи талабаси

ҲОЛИҚОВ ТУРСУНБОЙНИНГ

**Саудия Арабистонининг
1945-1990 йиллардаги тараққиёти**

5120300 – “Тарих” (минтақалар ва мамлакатлар бўйича) таълим
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Иш раҳбари: катта ўқитувчи А.Турғунов

Андижон – 2015 йил

Мундарижа

Кириш

I боб. Саудия Арабистонининг иккинчи жаҳон урушидан кейинги сиёсий- иқтисодий аҳволи.

II боб. Мамлакатнинг 1960-1970 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий раванқи

III боб. Саудия Арабистонидаги сиёсий-ижтимоий тузимидаги таркибий ўзгаришлар

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар.

Иловалар

Кириш.

Мустақиликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга кизиқиши ортиб бормоқда. Бу- табиий хол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанинг тарихини билишни истайди¹.

Атрофимизда жойлашган баъзи давлатлар ва миллатларнинг вакилларида ҳам бизлар қатори ўз тарихларини бошқатдан ўрганиш, чуқурроқ ўрганиш туйғуларини сезиш мумкин. Балки, бу ҳам тўғридир. Ҳар бир халқ ниманидир ўзининг миллий ифтихори, деб билади. Бизнинг битирув малакавий ишимизнинг мавзуси “Саудия Арабистони 1945-1990 йиллардаги сиёсий ва иқтисодий тараққиёти”

Мавзунинг долзарблиги. Саудия Арабистон давлатини иккинчи жаҳон урушидан кейингми ташкил этилиши тўғрисида айтиб ўтиш. 1945-1990 йиллардаги ютуқлари ва камчиликларини батафсил мазмун ва моҳиятини очиб бериш. Саудия Арабистони давлатининг халқаро муносабатларини тушуниб етиш. Бир-бирига қўшни бўлган иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўзаро алоқаларнинг аҳволини ёритиб бериш. Саудия Арабистон давлатининг илк 1945-1990 йиллардаги йиллардаги олиб борган сиёсати, иқтисодий ва молиявий масалалардаги ислохатларини атрофлича очиб беришдан иборат. 1945-1990 йиллари давомида Саудия Арабистон давлат ва сиёсий раҳбарларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги олиб борган ислохатларини ва уларнинг фаолиятлари ҳақида тушунча бериш.

Битрув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари. Бу мавзунинг белгилаб ўтилган йиллар давомида Саудия Арабистон давлатининг олиб борган сиёсий ва иқтисодий масалаларини ёритишда қуйидагича вазифаларни белгилаб олинди:

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т: Шарқ, 1998

1. Саудия Арабистон иккинчи жаҳон урушидан то 1990 йилларгача бўлган сиёсий аҳволи тўғрисида атрофлича тўхталиб ўтиш.
2. Саудия Арабистоннинг иқтисодий тарққиёт йўлида босиб ўтган қийинчиликларини ва ютуқларини етарлича маълумот бериш.
3. Саудия Арабистоннинг ижтимоий-иқтисодий раўнақи унинг ютуқлари тўғрисида батафсилроқ тўхталиш, аммо шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки 1945 йилдан то 1990 йилгача сиёсатда ва жамият ҳаётида бир қанча инқрозлар ва тушкунликлар бўлганлиги тўғрисида маълумот бериш.
4. Барча масалаларни мужассамлаштирган ҳолда хулосалаш ва мантиқий яқун яшаш.

Мавзунинг илмий янгилиги. Аввалам бор бу мавзунинг айнан тарихий, сиёсий ва иқтисодий жабҳада кам даражада ўрганилганлиги, деярли ўзбек тилида бу мавзуга оид маънба ва маълумотларнинг камлиги сабабли, аксарият русча илмий адабиёт, даврий матбуот ва интернет тармоқларидан олинган фикрларни янги маълумот сифатида киритдик.

Битирув малакавий ишнинг амлий аҳамияти. Битирув малакавий иши материалларидан мактаб, академик лицей ва касб - ҳунар коллежларида ташкил этилган тўғаракларда факультатив дарсларда, олий ўқув юртларда, жаҳон тарихидан семинар машғулотлари ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Собиқ совет иттифоқи ҳудудида эндигина мустақилликга эришган ёш давлатларга нисбатан айрим қудратли мамлакатлар ва сиёсий марказларнинг манфаатларига жавоб берадиган ана шундай таги пуч тавсияларни таклиф қилиш, уларни турли йўллар билан жорий этишга уриниш ҳаракатлари ниҳоятда кучайган эди. Бундай кескин бир шароитда яқка-ю ягона тўғри йўлни адашмай танлаб олиш ва уни ҳар қандай хуружлардан қатъият билан ҳимоя қилиш осон эмас эди.

Биз ўшанда четдаги “маслаҳатчилар”нинг “доно кенгашлари”дан эмас, балки халқимизнинг хоши-иродаси, юртимиздаги ҳақиқий вазиятдан келиб чиққан ҳолда оғир вазминлик билан, ҳар томонлама чуқур ўйлаб сиёсат олиб бордик.

Албатта, мураккаб ўтиш даврида бошқа кўпгина муҳим вазифалар катори, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, унинг маънавий оламига зарар етишига, ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига, жумладан, аҳолининг бир қисмига ўта бойиб кетмаслик, аксарияти эса ўта қашшоқликка юз тутишига йўл қўймаслик масаласи ҳам доимо диққат-эътиборимиз марказида турди.

Аслида, ҳар қандай ислохотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Биз амалга оширилаётган ислохотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида **ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак** деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас.¹

Агарки биз мустақилликка эришганимиздан сўнг босқичма-босқич ривожланиш йўлидан эмас, балки “шок терапияси” деб ном олган инқилобий сакраш йўлини танласак, энг қийин вазиятларда аксарият аҳолимиз қандай аҳволга тушиб қолган бўлар эди? Ҳеч шубҳасиз, стихияли тарзда юз берадиган шиддатли ўзгаришлар тўфонида одамларнинг турмуш шароити кескин ёмонлашиб, уларнинг ҳаёт тарзи, ахлоқий қадриятлари, миллий-маънавий қиёфаси бутунлай издан чиқиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Бир сўз билан айтганда, бундай бирёқлама сиёсат ҳеч кутилмаган оқибатларга,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.-Т: Маънавият, 2008

ўрнини юз йилларда ҳам тўлдириб, қоплаб бўлмайдиган оғир йўқотишларга олиб келиши муқаррар эди.

Шунинг учун ҳам биз, четдан ҳар қанча таклиф ва тавсиялар, ҳатто талаблар бўлмасин, ҳеч қачон инқилобий сакрашлар йўлидан бормадик. Юртимиздаги бугунги тинч ва осойишти, бунёдкор ҳаёт, барқарор тараққиёт бундай ёндашувнинг тўғри бўлганини ва узоқни кўзлаганини кўплаб соҳалардаги ижобий натижалар мисолида тасдиқлаб бормоқда. Ўша масъулиятли пайтларда, биз кескин ижтимоий ларзаларга олиб келадиган ҳар қандай инқилобий ҳаракатларга қаршимиз, бизнинг тадрижий ривожланиш тамойилларига асосланган ўз йўлимиз бор ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз, деб айтган қатъий сўзимиз, мустаҳкам позициямиз албатта бугун ўз ҳосилини бермоқда.

Саудийлар – Саудия Арабистонидаги ҳукмдор сулола; асосчиси – Сауд ибн Муҳаммад ибн Микрин, 1927 йилгача Сауд - Нажд амирлари; 1927-1932 йилларда - Ҳижос ва Нажд ҳамда уларга қўшилган вилоятлар қироллари; 1932 йилдан – Саудия Арабистони қироллари (подшолари);

Саудия Арабистони араблари - халқ. Саудия Арабистонининг асосий аҳолиси 1990 йилнинг маълумотига кўра 13 миллион 250 минг кишини ташкил этади. Шунингдек, Қувайтда 50 минг кишидан ортиқ араблар яшайди. Мамлакат аҳолиси араб тилида сўзлашади. Диндорлари – мусулмонлар (суннийлар ва шиалар).

Саудия Арабистони Подшоҳлиги (ал- мамлакат ал – Арабия ас – Саудия) – Осиёнинг жануби ғарбида жойлашган давлат. Арабистон ярим оролининг тахминан 2\3 қисмини ва Қизил денгиз ҳамда Форс қўлтиғидаги қатор қирғоқ бўйи ороллари эгаллайди. Майдони 2,25 млн кв метр. Аҳолиси 23,5 млн киши (2002 йил).

Булардан 5,3 млн киши мамлакат фуқороси ҳисобланмайди. Пойтахти Ар-Риёд шаҳри. Маъмурий жихатидан 14 вилоятга бўлинади.

Давлат тузуми. Саудия Арабистони – мутлақ теократик монархия. Давлат бошлиғи – подшоҳ, айни вақтда бош вазир ва қуролли кучлар олий бош қўмондони ҳамдир. У ҳукумат (вазирлар маҳкамаси)ни тузади.

Подшоҳ – вазирларни тайинлаш, ҳукуматни тарқатиб юбориш ва янгидан тузиш ваколатига эга. Ҳукумат асосан подшоҳ оила аъзоларидан тузилади. Сиёсий партия ва қасаба уюшмалари фаолияти расман ман этилган.

Хўжалиги. Иқтисодийнинг асоси нефть ва газ саналади. Иккинчи жаҳон урушига қадар Саудия Арабистони хўжалигида қорвачилик устун бўлган. Урушдан кейин нефть қазиб олиш ва экспорт қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Нефть ва нефть маҳсулотларидан келадиган даромад 5 йиллик режалар доирасида саноатни ривожлантиришга катта маблағ ажратиш имконини берди. Ялпи ички маҳсулотда саноат улуши – 53 %, қишлоқ хўжалиги улуши - 6 %, хизмат кўсатиш тармоғи улуши 41 % фоизни ташкил этади. Ишлаб чиқариш ялпи ҳажмининг 35% фоизи хусусий секторга тўғри келади.

Саноати. Саудия Арабистони нефть захиралари бўйича дунёда биринчи ўринда (35,8 млрд. тонна), нефть қазиб чиқариш бўйича иккинчи ўринда (АҚШ дан кейин) туради. Нефтининг 95%и “Сауди АРАМКО” миллий компанияси томонидан қазиб чиқарилади. Саудия Арабистонида кунига 7,5 млн. баррель (2002 йил 308 млн. тонна) нефть қазиб олинади. Газ захиралари бўйича дунёда 4-ўринни эгалласа-да, уни қазиб чиқариш бўйича Яқин Шарқда 1-ўринни эгаллайди. 1960-йилларнинг охиридан нефть кимёси саноати кенг ривожланди. Металлургия (Жидда), қоғоз (Даммам), озиқ-овқат (Маккадаги ёғ заводи, кондитер фабрикаси, Ар-Риёддаги сабзавот консервалари, Жиддадаги мева шарбати ишлаб чиқарадиган фабрика ҳамда Мадинадаги хурмони қайта ишлаш фабрикаси), тўқимачилик, қурилиш материаллари саноати ҳам ривожланган. Жидда, Даммам ва Ар-Риёдда цемент заводлари, Даҳронда ойна-шиша заводи бор. Бу корхоналарнинг кўпчилиги тулиқ ёки исман (70%гача) “Собиқ” давлат кишиларига қарашли ва у томонидан назорат қилинади. Йилига ўртача 66,8 млрд.кВт-соат электр

энергияси ҳосил қилинади. Саудия Арабистонида ҳунармандчилик, шу жумладан, заргарлик корхоналари салмоқли ўрин эгаллайди.

Қишлоқ хўжалиги - бундан чорак аср муқаддам иқтисодиётнинг энг қолоқ тармоғи ҳисобланган. 1990-йиллардан у жуда тез суръатлар билан ривожланди ва даромадли тармоқлардан бирига айланди. Экин экиладиган умумий майдон – 1,8 млн. гектарга етди. Асосий экини – ғалла, шоли, хурмо, кофе, узум, мандарин, банан, сабзавот ва мевали ўсимликлар ҳам ўстирилади. Қўчманчи чорвачилик ривожланган. Туя, қўй, эчки, қорамол, шунингдек, товуқ боқилади, балиқ овлаш билан шуғулланилади. Йилига ўртача 698 минг тонна сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Мамлакат ўз аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлайди. Денгиздан марварид ва маржон олинади. Ҳар йили Макка ва Мадинага келувчи 2 млн.дан ортиқ зиёратчига хизмат кўрсатилади.

Темир йўллар узунлиги 1400 км.ни ташкил этади. Энг йирик темир йўли йўналишлари – Даммам – Даҳрон – Ар – Риёд (562 км), Ҳуфуф – Ар – Риёд (322 км).

Автомобиль йўллари узунлиги 159 минг км., ундан 100 минг км.и асфальтланган. Нефть қувурлари узунлиги 3,7 минг км.

Саудия Арабистони Яқин Шарқда энг кучли денгиз флотига эга. Мамлакатдаги асосий денгиз портлари – Жидда, Янбо, Жизон, Рас-Таннура, Даммам, Жубайл, Даба ва бошқалар. Мамлакатдаги 25 аэропортдан 3 таси халқаро аэропортлардир. Ҳаво алоқаси “Сауди – Арабиен эрлайнс” компанияси орқали амалга оширилади. Халқаро аэропортлари – Даҳрон, Жидда ва Ар-Риёд.

Саудия Арабистони четга, асосан, нефть, нефть маҳсулотлари, буғдой, хурмо чиқаради. Четдан машина жиҳозлари, автомобиль, истеъмол моллари, транспорт воситалари, металл, тўқимачилик буюмлари, қурул-яроғ олади. Асосан, Япония, АҚШ, Буюк Британия, Корея Республикаси, Сингапур, Франция, Германия билан савдо қилади. Пул бирлиги – Саудия Арабистони риёли.

Саудийлар – Саудия Арабистонидаги хукмдор сулола; асосчиси – Сауд ибн Мухаммад ибн Микрин, 1927 йилгача Сауд - Нажд амирлари; 1927-1932 йилларда - Ҳижос ва Нажд ҳамда уларга қўшилган вилоятлар кироллари; 1932 йилдан – Саудия Арабистони кироллари (подшолари);

Саудия Арабистони араблари - халқ. Саудия Арабистонининг асосий аҳолиси 1990 йилнинг маълумотига кўра 13 миллион 250 минг кишини ташкил этади. Шунингдек, Қувайтда 50 минг кишидан ортиқ араблар яшайди. Мамлакат аҳолиси араб тилида сўзлашади. Диндорлари – мусулмонлар (суннийлар ва шиалар).

Саудия Арабистони Подшоҳлиги (ал- мамлакат ал – Арабия ас – Саудия) – Осиёнинг жануби ғарбида жойлашган давлат. Арабистон ярим оролининг тахминан 2\3 қисмини ва Қизил денгиз ҳамда Форс қўлтиғидаги қатор қирғоқ бўйи ороллари эгаллайди. Майдони 2,25 млн кв метр. Аҳолиси 23,5 млн киши (2002 йил).

Аҳолиси. Саудия Арабистонини 90 фоизини араблар ташкил қилади. Ҳиндлар, мисрликлар ва покистонликлар, бир неча юз минг эронлик, филиппинлик, бангладешлик, яманлик, индонез, суданлик, суриялик, иорданлик ва бошқалар ҳам яшайди. Саудия Арабистонида 200-800 минг ўзбеклар истиқомат қилади, деб ҳисобланади. Йирик қабила бирлашмалари- унайза ва шаммар; қабилалар – ҳарб, мутайр, хузайр, қахтан, жухайна, муаҳиб, шарарат, манасир, бану асад, танух, қурайш, бану шайбон. Расмий тил – араб тили; инглиз тили ҳам кенг тарқалган. Давлат дини – ислом. Ислом динининг муқаддас зиёратгоҳ шаҳарлари – Макка ва Мадина Судия Арабистонидадир. Ҳар йили бу шаҳарларда 2 миллиондан ортиқ мусулмон ҳаж ва умра сафарларида бўлади. Шаҳар аҳолиси 80,2 фоизини ташкил этади. Йирик шаҳарлари - Ар – Риёд, Жидда, Макка, Мадина.

Булардан 5,3 млн киши мамлакат фуқороси ҳисобланмайди. Пойтахти Ар-Риёд шаҳри. Маъмурий жихатидан 14 вилоятга бўлинади.

Давлат тузуми. Саудия Арабистони – мутлақ теократик монархия. Давлат бошлиғи – подшоҳ, айни вақтда бош вазир ва қуролли кучлар олий бош қўмондони ҳамдир. У ҳукумат (вазирлар маҳкамаси)ни тузади.

Подшоҳ – вазирларни тайинлаш, ҳукуматни тарқатиб юбориш ва янгидан тузиш ваколатига эга. Ҳукумат асосан падшоҳ оила аъзоларидан тузилади. Сиёсий партия ва қасаба уюшмалари фаолияти расман ман этилган.

Ҳўжалиги. Иқтисодийнинг асоси нефть ва газ саналади. Иккинчи жаҳон урушига қадар Саудия Арабистони ҳўжалигида қорвачилик устун бўлган. Урушдан кейин нефть қазиб олиш ва экспорт қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Нефть ва нефть маҳсулотларидан келадиган даромад 5 йиллик режалар доирасида саноатни ривожлантиришга катта маблағ ажратиш имконини берди. Ялпи ички маҳсулотда саноат улуши – 53 %, қишлоқ ҳўжалиги улуши - 6 %, хизмат кўсатиш тармоғи улуши 41 % фоизни ташкил этади. Ишлаб чиқариш ялпи ҳажмининг 35% фоизи хусусий секторга тўғри келади.

Саноати. Саудия Арабистони нефть захиралари бўйича дунёда биринчи ўринда (35,8 млрд. тонна), нефть қазиб чиқариш бўйича иккинчи ўринда (АҚШ дан кейин) туради. Нефтининг 95%и “Сауди АРАМКО” миллий компанияси томонидан қазиб чиқарилади. Саудия Арабистонида қунига 7,5 млн. баррель (2002 йил 308 млн. тонна) нефть қазиб олинади. Газ захиралари бўйича дунёда 4-ўринни эгалласа-да, уни қазиб чиқариш бўйича Яқин Шарқда 1-ўринни эгаллайди. 1960-йилларнинг охиридан нефть кимёси саноати кенг ривожланди. Металлургия (Жидда), қоғоз (Даммам), озиқ-овқат (Маккадаги ёғ заводи, кондитер фабрикаси, Ар-Риёддаги сабзаёт консервалари, Жиддадаги мева шарбати ишлаб чиқарадиган фабрика ҳамда Мадинадаги хурмони қайта ишлаш фабрикаси), тўқимачилик, қурилиш материаллари саноати ҳам ривожланган. Жидда, Даммам ва Ар-Риёдда цемент заводлари, Даҳронда ойна-шиша заводи бор. Бу корхоналарнинг кўпчилиги тулиқ ёки исман (70%гача) “Собиқ” давлат кишиларига қарашли ва у томонидан назорат қилинади. Йилига ўртача 66,8 млрд.кВт-соат электр

энергияси ҳосил қилинади. Саудия Арабистонида ҳунармандчилик, шу жумладан, заргарлик корхоналари салмоқли ўрин эгаллайди.

Қишлоқ хўжалиги - бундан чорак аср муқаддам иқтисодиётнинг энг колок тармоғи ҳисобланган. 1990-йиллардан у жуда тез суръатлар билан ривожлани ва даромадли тармоқлардан бирига айлани. Экин экиладиган умумий майдон – 1,8 млн. гектарга етди¹. Асосий экини – ғалла, шоли, хурмо, кофе, узум, мандарин, банан, сабзавот ва мевали ўсимликлар ҳам ўстирилади. Кўчманчи чорвачилик ривожланган. Туя, қўй, эчки, қорамол, шунингдек, товуқ боқилади, балиқ овлаш билан шуғулланилади. Йилига ўртача 698 минг тонна сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Мамлакат ўз аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлайди. Денгиздан марварид ва маржон олинади. Ҳар йили Макка ва Мадинага келувчи

2 млн.дан ортиқ зиёратчига хизмат кўрсатилади.

Темир йўллар узунлиги 1400 км.ни ташкил этади. Энг йирик темир йўли йўналишлари – Даммам – Даҳрон – Ар – Риёд (562 км), Ҳуфуф – Ар – Риёд (322 км).

Автомобиль йўллари узунлиги 159 минг км., ундан 100 минг км.и асфальтланган. Нефть қувурлари узунлиги 3,7 минг км.

Саудия Арабистони Яқин Шарқда энг кучли денгиз флотига эга. Мамлакатдаги асосий денгиз портлари – Жидда, Янбо, Жизон, Рас-Таннура, Даммам, Жубайл, Даба ва бошқалар. Мамлакатдаги 25 аэропортдан 3 таси халқаро аэропортлардир. Ҳаво алоқаси “Сауди – Арабиен эрлайнс” компанияси орқали амалга оширилади. Халқаро аэропортлари – Даҳрон, Жидда ва Ар-Риёд.

Саудия Арабистони четга, асосан, нефть, нефть маҳсулотлари, бугдой, хурмо чиқаради. Четдан машина жиҳозлари, автомобиль, истеъмол моллари, транспорт воситалари, металл, тўқиамчилик буюмлари, қурол-яроғ олади.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 13-том. Т., 2001 й. 7-том.

Асосан, Япония, АҚШ, Буюк Британия, Корея Республикаси, Сингапур, Франция, Германия билан савдо қилади. Пул бирлиги – Саудия Арабистони риёли.

1.Саудия Арабистонининг иккинчи жаҳон урушидан кейинги сиёсий- иқтисодий аҳволи

Ибн Сауд ҳукумати урушдан кейинги йилларида бошқа араб давлатлари билан бетарафлик ва ҳамкорлик сиёсатини олиб борди. 1943-йилдаёқ Саудия Арабистони араб бирлиги тўғрисидаги Қоҳира музокараларида катнашган. 1945-йил валиахд шахзода Сауд Қоҳирада араб давлатлари Лигаси пакти¹ ва протоколларига имзо қўйган. Унинг қатъий талабига асоан Лига ҳужжатларига Сурия ва Ливаннинг мустақиллигини кафолатлаш ва араб давлатлари чегараларининг дахлсизлиги тўғрисидаги пунктлар ҳам киритилди. Шунинг билан бир қаторда Трансиордания² амири Абдуллонинг инглизча ғояси – Буюк Сурияни тузишга тўсиқ қўйилади. 40-йиллар охирида Саудия Арабистони Араб Шарқида Исроил давлатини барпо қилишга қарши туради.

1948 йили АРАМКО Саудия Арабистонни ва Кувайт ўртасида нейтрал ҳудуддаги концессия³ ҳуқуқларидан воз кечди. Шунинг билан бир қаторда Ал-Хаси қирғоғидаги шельфнинг Саудия Арабистони қисмидан ҳам воз кечди. Буларнинг энг бош сабаби минтақавий шельфнинг Саудия Арабистонига тегишли қисмларида йирик нефть конларининг очилиши билан изоҳлаш мумкин.

АРАМКО учун Саудия Арабистонида қазиб чиқарилаётган нефть АҚШ даги қазиб чиқарилаётган нефть миқдоридан тахминан 10 марта, Венесуэладагидан 5 марта арзонроққа тушар эди. АРАМКО нинг 1950 йиллардаги Саудия Арабистони ҳукуматига тўлаган солиқларини тўлаганидан кейинги соф даромади 2.5 млрд. доллар ёки ўртача сарфланган маблағнинг 58% ини ташкил қилар эди.

¹ Пакт – пакт нариги файлда келтирилган бўлиши керак

² 1946 йилдан бу мамлакат Иордания деб атала бошланади.

³ Концессия – концессия, ер, кон, корхона ва ҳ.к.дан фойдаланиш ҳақида давлат билан айрим капиталист ёки фрима ўртасида тузиладиган шартнома

Ибн Сауд, ундан кейин унинг давом эттирувчиси қирол Сауд (1953-йилнинг ноябридан бошлаб) Англия томонидан қўлланаётган ҳамда хошимийлардан бўлган – Ироқ ва Иорданияга қарши бўлиш учун Миср билан яқинлашиш йўлини тутди. 1955 йил октябрь ойида Саудия Арабистони Сурия ва Миср билан икки томонлама мудофаага оид шартнома, ундан кейин Миср ва Уммон билан уч томонлама шартнома тузади. Саудия Арабистони ва Англия ўртасидаги низога асосан - Саудия Арабистонининг чегараси билан туташ жойлашган Маскат султонлиги ва Абу-Даби князлиги(шартномавий Омон) - Бурайми¹ воҳаси сабаб бўлади. 1952-йили воҳа сауд отряди билан эгалланган бўлса, 1953 ва 1954-йилларда Абу-Даби ва Маскат воҳага хужум қилади. АҚШ АРАМКО нинг фойдаси учун аста-аста Саудга ёрдам бериб, 1954-йилнинг июлида битимга имзо қўйдиришга эришади. Ушбу шартнома бўйича воҳанинг шимолий қисмида инглизлар, жанубий қисмида эса америкаликлар нефть қидириш ишларини олиб боришлари керак эди. 1955-йилнинг октябрида инглиз офицерлари бошчилигидаги Абу-Даби ва Маскат қўшинлари Бурайми воҳасини эгаллаб оладилар. Саудия Арабистони ҳукумати БМТ нинг Хафвсизлик Иттифоқиға Англиянинг агрессиясига қарши шикоят билан мурожаат қилади². АҚШ ҳукумати четга чиқмасдан ва Бурайми нефтини назоратга олиш мақсадида - низони бартараф этишда воситачи сифатида иш олиб боради. Американинг тазйиқи остида Сауд БМТ дан Англияга қарши шикоятини қайтариб олади ва унинг билан музокаралар олиб боришга рози бўлади. Бироқ, Қоҳирада ва Вашингтонда АҚШ нинг иштирокида бўлиб ўтган 1955-1956-йиллардаги музокаралар Бурайми воҳаси статусини ҳеч қандай ўзгартирмайди.

Мисрга қарши инглиз-француз-исроил агрессияси даврида Саудия Арабистони Мисрни қўллаб-қувватлайди, Англия ва Франция билан алоқаларини узади ва Мисрга анча миқдора моддий ёрдам беради.

¹ Бурайми воҳасининг умумий майдони – 20 кв.км, аҳолиси- 10 минг кишидан иборат, унду нефть клин топилган.

² Цветкова Н.Н. Международные монополии и социальная эволюция в развивающихся странах Азии. М., 2001 с.133

Англиянинг Яқин Шарқда уч томонлама олиб борган агрессияси амалга ошмайди. АҚШ қулай вазиятдан фойдаланиб, ўзининг бу минтақадаги агрессиясини кучайтиради, ушбу районда агрессиясини кучайтириб, араб давлатларида “Эйзенхауэр доктринаси”ни қўлламоқчи бўлади. Саудия Арабистони уч китъа ўртасида куруқликдаги, денгиздаги ва осмондаги йўлларда биринчи қулай объект сифатида, араблар ва бутун дунё мусулмонлари диний маркази ҳамда АҚШ томонидан ўзлаштириб олинган унинг ер ости нефть бойликларининг кўплиги учун ҳам танлаб олинган эди.

1957-йилнинг 18-19-январида Қоҳирада Сурия, Миср, Саудия Арабистони ва Иорданиянинг вакиллари йиғилиб, “эндигина мустақиллак йўлини тутган халқларни асоратга солиш ва эзиш программасини кенг тарғиб қилувчи” сифатида хизмат қилувчи “Эйзенхауэр доктринаси”ни биргаликдаги резолюциялари билан рад қилдилар. Қоҳира йиғилиш қатнашчилари, АҚШ президенти Эйзенхауэрнинг таклифи билан АҚШ га ташриф буюраётган қирол Саудга ўзларининг “доктрина” юзасидан фикрларини билдирадилар. Бироқ АҚШ га келиб, қирол, Сауд “Эйзенхауэр доктринаси”сини тан олишга рози бўлади. Дахранни ҳарбий-ҳаво кучлари базаси учун ижарага беришни яна беш йилга узайтирилди. Эвазига эса Саудия Арабистони муҳтож бўлиб турган иқтисодий ва ҳарбий ёрдамни АҚШ ваъда қилади. сафардан қайтган Сауд, ўз давлатининг опозицион кучлари ҳамда 1957-йили феврал ойида Қоҳирада бўлган йиғилишида Миср ва Сурия давлати раҳбарларининг қаршилигига дуч келади. Ўшандан кейин Сауд “Эйзенхауэр доктринаси”дан воз кечишга мажбур бўлади – ю, лекин Араб Шарқида АҚШ сиёсати тарафдорлигича қолади. 1957-йилнинг апрелида у Иордания қироли Ҳусайнни ан-Набулсига қарши сиёсатини ёқлайди. 1958 йил февралда Сурия ва Мисрдан ташкил топган - Бирлашган Араб Республикаси ташкил топгандан кейин, Иордания билан иттифоқчиликни бузади.

АҚШ нинг иккинчи жаҳон урушидан кейин иқтисодий экспансияси¹. Урушдан кейинги йилларда америкаликларнинг Саудия Арабистони нефтини қазиб чиқариш ҳажми тезлик билан кўтарилиб кетди. Бироқ, бу нефтни Европа бозорларида сотиш ишлари, маблағлар ва нефтни ташиш йўллари (танкер флоти. Сувайш канали) – буларнинг барчаси Англия кўлида эди. Англиянинг монополлиядан чиқариш мақсадида, АҚШ 1945-йилнинг сентябрь ойида янги битим тузадилар. Шунинг билан АҚШ Саудия Арабистонида хужайинчилик қилишни ўз кўли билан боғлаб қуйди. АРАМКО араб нефт қувирларини қуришга киришади. Бунинг учун “Трансарабия пайплайн” (“Таплайн”) компанияси ташкил қилинади.

АРАМКО дан ташқари мамлакатда яна битта “Гетти ойл компани” ва яна бундан бошқа компаниялар ҳам фаолият кўрсатади. АҚШ компаниялар билан бир қаторида япон ва итальян фирмалари ҳам бор эди. 1966-йили Саудия Арабистонида 119,4 млн.т. нефть қазиб чиқарилган.

АРАМКО биринчи пайтларда Саудия Арабистонига қазиб олинган нефтнинг 1,65 долл., яъни бу компания оладиган даромаднинг олтидан бир қисмига тенг миқдорда тўлар эди. 1950-йилга келиб шартномага кўра АРАМКО Саудия Арабистонига қазиб олинган нефть фойдасидан 50% ини тўлайдиган бўлди. Қайта ишлаб чиқариш ва сотишни эса АРАМКО ўз чўнтагига урарди. Натижада эса, Саудия Арабистонига АРАМКО нинг топган фойдасидан 50% эмас, балки 30 % игина тегарди.

Компания “Таплайн” эса 15 йил 1963-йилнинг март ойигача солиқлардан озод қилинган бўлиб, жуда ҳам оз миқдорда Саудия Арабистонига ижара ҳақи тўлар эди. “Таплайн” 1951-1958 йиллар мобайнида 284,5 млн.доллар соф фойда кўрган эди.

Ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракати Товар-пул муносабатлари, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, замонавий транспорт воситаларининг татбиқ қилиниши билан кўчманчилар, деҳқонлар, ва ҳунармандларнинг хонавайрон бўлишлари тезлашиб кетди. Бадавий ва деҳқонлар иш излаб нефт конлари ва

¹ Экспансия – экспансия, империалистик давлатларнинг янги давлатларни босиб олишга интилиши

шаҳарларига келишилари билан шаҳар ишсизлари сонини яна ҳам ошириб юборишди. Ишчилар сони 100 мингдан ортиб кетди. АРАМКО нинг 1960-йилдиги ишчилар сони 14,8 мингдан (шундан 3 мингтаси малакали ишчилар) ортиб кетди. Иш хақи фақат қорин тўйдиришга етарди. Иш куни эса – 10-11 соатни ташкил қиларди. Ишчиларнинг кўп қисми антисанитар ҳолатдаги баракларда яшашарди. Шунинг учун касаллик шу жумладан, безгак, туберкулёз, трахома ва ҳ.к. касалликлар жуда ҳам кўп учрарди.

Урушдан кейинги миллий-озодлик ҳаракатларининг авж олиши блан араб дунёсида ҳам меҳнаткашлар ўз ҳақ ва ҳуқуқлари учун курашга бош кўтардилар.

Бу курашлар бошида нефть корхона ишчилари турарди. Уларнинг биринчи иш ташлаши 1945-йили АРАМКО корхоналаридан бирида бўлиб ўтади. Ҳукумат иш ташлашга бошчилик қилганларни ҳибсга олиб, қийноққа солдилар, қатнашчиларни кўпчилигини калтаклашди. Бироқ аҳолининг турли қатламларининг қўллаганлари сабаб, ишчилар ғалабага эришдилар. Икки ҳафталик иш ташлашдан сўнг АРАМКО ишчиларнинг асосий талаблари: иш ҳақини ошириш, олти кунлик иш ҳафтасини жорий этиш, кунлик иш соати эса саккиз соатдан ошмаслик ва йилига икки ҳафталик меҳнат таътили беришга мажбур бўладилар. Нефтчилардан кейин Хуфуфнинг ишчи ва хунармандлари иш ташлайдилар уларни шаҳарнинг барча аҳолиси қўлла-қувватлайди.

АРАМКО жуда тез ўзининг ваъдаларини бузади, иш кунини узайтиради, меҳнат қилшни зўрайтиради. 1946-1947-йиллари нефтчилар яна бош кўтарадилар. Ҳукумат АРАМКО томонида бўлиб, иш ташлаш раҳбарларини қамайдилар, жуда кўп ишчиларни ишдан ҳайдаб юборадилар. Бироқ, ҳукумат ишчиларнинг баъзи талабларини бажаришга мажбур бўлади. 1947-йилнинг октябрь ойида ҳукумат меҳнат тўғрисида қонун чоп эттиради. Унга кўра, мамлакатнинг барча корхоналарида олти кунлик иш ҳафтаси, саккиз соатлик иш куни жорий этилади. Жума куни (мусулмонларда байрам

куни ҳисобланади) – дам олиш куни ,йиллик ўн кунилик меҳнат таътили ва касаллик кунлари беш кун, болалар меҳнати таъқиқланди.

1953-йилнинг бошида АРАМКО ишчилари уларнинг кураши ташкилий маркази бўлган - махфий комитет тузилади. Комитет АРАМКО га иш ҳақини кўпайтириш ва уй-жой билан таъминлаш талаблари билан чиқадилар. Иш ташлашнинг маркази – Рас-Танур мамлакатнинг бошқа районларидан узиб қўйилади. АРАМКО нинг бошқа корхоналари ишчилари Рас-Танур иш ташловчиларини қўллаб-қувватлайдилар. 1953-йилнинг 17-октябрида 20 минг га яқин ишчилар иш ташлайдилар. Компания барча корхоналарида иш тўхтаб қолади. Ҳукумат нефть қазувчи районларда фавқулодда ҳолат эълон қилади. иш ташлашни бостриш учун ҳарбийлар ташаланади. Оммавий қамоққа олиш бошланади. Қамоқхоналар тўлиб кетади. Иш ташлашга АРАМКО хизматчилари ҳам қўшиладилар. Маҳаллий “Флор” компаниясидан 1800 киши иш ташлайди , бошқаларидан эса 800 киши иш ташлайди.

Атрофдаги ишчилар, ҳунармандлар ғалаёни бошланди. Маҳаллий зиёлилар ва буржуазия(савдогарлар, уй эгалари) иш ташловчиларга бошпана, кийим-кечак ва овқат билан таъминлаб турдилар. Солдат ва полициячилар ишчиларга қарата отишдан бош тортардилар. Бошқа араб давлатлари халқлари Саудия Арабистонидаги қондошларини ёқлаб чиқадилар. АРАМКО яна ортга чекинишга ва ишчиларни қамоқдан озод қилиб музокаралар бошлаб юборади. 1953-йилнинг 1-ноябрида ишчилар комитети иш ташлаганларни ишларига қайтишларини чақирдилар. АРАМКО маъмурияти ишчилар иш ҳақларини 12-20%га оширди ва ишчиларнинг бошқа кўпгина талабларини бажарди.

Худди шундай ғалаёнлар даврида 1953-йилнинг ноябрида Сауд – Ибн Сауднинг ўғли ҳукумат тепасига келиб қирол этиб тайинланади. У отасидек сиёсий арбоб давражасида эмас, балки ўртамиёна иш олби борарди.

1956-йилнинг ёзида нефть-ишчилар Дахранда Америка ҳарбий-ҳаво кучлари базасининг йўқотилишини талаб қилиб чиқадилар. Бироқ, қирол Шарқий музофотга ҳарбий отряд жўнатиб 56 кишини қамоққа олади. Уларни

камоққа ташлаб, қийноққа соладилар. 9-июлда қиролнинг ўзи Дахранга боради. Қиролни намоишчилар ўзларининг талаблари билан кутиб оладилар. Аммо Сауд мурасага келмай, 11-июль куни иш ташлаш ва намоишларни таъқиқлаш тўғрисида декрет эълон қилади¹.

Ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб чиқаётган халқни бостириш учун ҳукумат реакцион рухонийларга мамлакатда рўй берган вазият устидан назорат қилиш топширилади. Махсус безорилик қилиб юрувчи ортодокс-фанатлардан ташкил топган эътиқод ва ахлоқ-одоб Лигаси аҳолига ўз ҳукмини ўткази бошлайди. Қуръон кўрсатмаларини бажарилишини кузатиш ҳуқуқини олган Лига полициячилари диндор мусулмонларни масжидларга ҳайдар, уйларига бостириб кирар, шубҳаланганларини урардилар. Бунинг эвазига Лига ҳукуматдан субсидия олиб турарди.

Қирол Сауд ҳукуматининг яна бир суянчиғи – Миллий гвардия”Оқ гвардия”) эди. Оқ армияга бадавийлар, ашаддий ортодоксал диндорлар ва қиролга содиқ одамлар кирган эди.

Реакцион кучларнинг фаолияти қаҳр-ғазаб, айниқса ёшлар норози эдилар. 1956-йили Недждда Анайз, Бурайда, Шакр, Ар-Риёд шаҳарлари ўқувчилари ягона фронт туздилар. Фронтнинг асосий талаби Лигани бартараф қилишдан иборат эди.

¹ Новейшая история арабских стран (1917-1966), М., Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1967. С.235

2.Саудия Арабистони 1950-1970 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий равнақи

Ибн Сауд вафотидан кейин қирол оиласи уч гуруҳга бўлиниб кетди. Сауд қирол бўлганидан кейин, ўз давлатини мустаҳкамлашга киришади ва давлат бошқарувнинг муҳим жойларига ўзининг содиқ ўғилларин и қўяди. Энг гуруҳни валиахд шахзода ФАЙСАЛ гуруҳи бўлиб, бу гуруҳ маълумотлироқ ва тажрибалироқ сиёсий арбоб бўлган Ибн Сауд ўғиларидан иборат эди. Тахт учун курашда ФАЙСАЛ ь аста-секин ўзининг тарафдорларини йиғарди. У Саудни конституцион реформа ўтказишга кўндиради. 1953-йилнинг октябрида қирол раислигида умумдавлат вазирлар кенгаши таъсис қилинади. Бош-вазир ва ташқи ишлар вазири этиб Фесал тайинланади.

1958-йили мамлакатда миллий ислохотлар Фронти бошчилик қилган империалистларга қарши янги кураш бошланди. Ватанпарварлар Саудия Арабистони ижтимоий тузилишини бутунича демократизациялаш, Дахрандаги Америка ҳарбий базасини йўқотиш, АҚШ билан ҳарбий битимларни бузиш, АРАМКО нинг мамлакат ички ҳаётига аралашувини чеклаб қўйиш, табиий бойликларни халқ эҳтиёжлари учун ишлатишни талаб қилиб чиқдилар. Худди шу вазиятда 1958-йилнинг март ойида Саудия Арабистони қироли Сауднинг БАР президенит Носирга қарши фитнада қатнашганини қораланади. Чунки Носир Саудия Арабистонида жуда машҳур эди. бундан фойдаланган Сауднинг ака-укалари ҳукуматни ФАЙСАЛ га топширишни талаб қиладилар. Фитнада қатнашганликда айблаб, қиролнинг маслаҳатчилари – Юсуф Ёсин ва Жамол Ҳусайнни, фитна бошловчиси – АҚШ элчисини лавозимларидан бўшатишни талаб қиладилар. Сауд бу талабларни рад қилиб, Америка элчихонасига мурожаат қилди. Бироқ улар ҳам ҳукуматни ФАЙСАЛ га топширишни маслаҳат берадилар. Улар ўйлайдики, ФАЙСАЛ давлатни тезроқ кризисдан олиб чиқиб кетади. Сауд ультиматумни қабул қилишга мажбур бўлади.

1958-йилнинг 28-мартдаги декретга мувофиқ, мамлакатда давлатнинг ижро этувчи ҳокимияти шахзода ФАЙСАЛ га ўтказиш ҳужжатларини расмийлаштирилади. ФАЙСАЛ Вазирлар Кенгаши раиси этиб тайинланади, давлатни сиёсий бошқаруви эса Саудда қолади. Вазирлар Кенгаши раиси порахўрлик билан курашиш ва маблағларни тартибга солиш учун чоралар кўришга ҳақлидир Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилинган, бироқ қирол томонидан маъқулланмаган ҳар қандай декрет – бир ойдан сўнг кучга киради. Агарда бир ой ўтгандан сўнг Вазирлар Кенгаши ўз нуқтаи назарини тасдиқлаган бўлса.

1958-йилнинг 18-апрелида ФАЙСАЛ Саудия Арабистони бетарафлик сиёсатини олиб боришини эълон қилади. у Франциянинг Жазоирдаги урушни, Англия томонидан Бурайми воҳасини эгаллаб олинишини, АҚШ нинг Исроилни қўллаб-қувватлашини қоралайди.

ФАЙСАЛ ҳукумати Жидда портини национализация (давлат мулкига айлантиради) қилади. Бошқа араб давлатларидан келиб савдо қилувчи савдогарларни савдо-сотик ишларини чегаралаб қўйди. 1960-йилги қонун бўйича чет эллик савдогар Саудия арабистонига 100 минг риалдан ортиқ товар олиб кириши мумкин эмас деб таъқиқлаб қўйилади. Ўшандан кейин четдан келадиган савдогарларнинг оёғи тинади.

ФАЙСАЛ ҳукумати қатъий иқтисод сиёсатини олиб боради: унинг бўйича ҳар хил зеб-зийнат буюмларини олиб келиш таъқиқланади, қирол оиласининг ҳаражаталари ҳам бир мунча камйтирилади. Шунинг учун ҳам 1958 йили тузилган Миллий озодлик Фронти ФАЙСАЛ сиёсатини қоралайди.

Мамлакатдаги умумий норозиликлардан фойдаланиб қирол, 1960-йилнинг 22-декабрида ФАЙСАЛ ни давлатдан четлаштиради, янги ҳукумат тузиб уни бошқаради. Биринчи пайтларда кабинетга буржуазиянинг 6 та вакили киритилган бўлиб, бирорта ҳам қирол оиласидан аъзо йўқ эди¹. Сауд

¹ Новейшая история арабских стран (1917-1966), М., Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1967. С 246

ислоҳотлар ўтказишга ваъдалар беради. Меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича махсус маҳкама тузилади, молия вазири амир Талал раислигида олий ража кўмитаси таъсис қилинади. Давлат корхоналарида амалдорларнинг порахўрликлари билан курашиш учун трибуналлар ташкил қилинади. Бу қарорлар аҳолининг барча қатламлари томонидан маъқулланади. Мусулмон диндорлари ва эътиқод ва ахлоқ-одоб Лигаси эса ҳужумга ўтадилар. Муфтий эса барча қонун ва қарорларни кучга киришидан аввал унга тақдим қилишларини талаб қилди. Қирол диндорларга ён босади.

Сауд 1961-йилнинг 13-мартда қирол оиласи ва давлатга қарши жиноятлар ва қирол тузумини ўзгартиришга бўлган ҳаракатлар учун ўлим жазоси ёки 25 йиллик қамоқ жазосини эълон қилди.

1961-йилнинг сентябрида Сауд ҳукуматдан Талал бошчилигидаги “эркин амирлар”ни чиқариб ташлайди, уларнинг ўринларини Сауд ўғиллари эгаллайди. ФАЙСАЛ тарафдорлари ҳукуматга кирмайди.

1961-йилнинг ноябрь ойида Сауд худди даволангани АҚШга борган бўлиб, Носирга АҚШ ёрдамни тўхтатмоқчи бўлади. Қиролнинг йўқлик пайтида ФАЙСАЛ мамлакатда бутун давлатни бошқаришни қўлига олади. 1962 йил май ойида Маккада 17 мусулмон давлати муфти ва уламоларининг съезди бўлади. Съезд қатнашчилари Носир социализмга қарши Лига тузадилар.

1962-йилнинг мартда қирол Сауд ўз юртига қайтади. Сауд 15-мартда янги ҳукумат тузади. У нефт ва тоғ-кон қазиш саноати министри Тарикни истеъфога чиқаради. Бунга жавобан апрелда қирол маслаҳатчиси Юсув Ёсинни ўлдириб кетишади. Полиция шу иш юзасидан бир неча юз кишини қамоққа олади. Сауд ўзининг шахсий соқчиларини қўпатади.

Ички сиёсий аҳволнинг кескинлашуви ва БАҲР билан муносабатлар сабаб Сауд ўзига иттифоқчилар излашга мажбур қилади. у иордания қироли Ҳусайн билан музокараларга киришади. 30-август куни сауд-иордан коммюнике нашр қилинади. Унда “иккала томон давлатлари тўла ҳарбий бирлик тиклашга, ҳарбий сиёсатини бирлаштиришга ва иқтисодий

бирдамликни келишиб олишга рози эканликлари”ни баён қилинади. Бир неча кундан кейин, 1962-йили октябрда Яманда революция ғалаба қозонганидан кейин, Саудия Арабистони ва Иордания делегатлари давлат бошлиқлари музокараларининг келишув лойиҳаларини ишлаб чиқдилар. Умумлашган ҳарбий қўмондонлик ташкил қилинди, чегара маслалари тартибга солинди. Иккита қиролнинг битими асосан Араб Шарқидаги, хусусан, Ямандаги миллий-озодлик ҳаракатига қарши битимдир¹.

Саудия Арабистони ва Яман 1962-йилнинг 26-сентябрида Яманда феодализмга ва империализмга қарши революция ғалаба қилади. Яман кироли имом Муҳаммад ал-Бадр тахтдан туширилади. Бироқ у Саудия Арабистонидан бошпана топди. Сауд ўзининг тож-тахтидан қўрқиб, Яман контрреволюцияси билан тил бириктиради. У Иордания кироли билан иттифоқчилик қилиади ва ўзининг Араб ярим оролидаги ўрнидан хавотирланиб АҚШ ва Англия империалистларининг қўллаб-қувватлашидан умидвор бўлади. 1- октябрда Сауд Яманда монархияни ўрнатишдаги курашида расман имом Муҳаммад ал-Бадрга дўстона ёрдам беришини эълон қилади. Саудия Арабистони ва Яман ўртасидаги чегараларда контрреволюцион қўшинлар лагерлари ташкил қилинади. Сауд яман қабилаларини сотиб олши учун имомни олтин, қурол- аслаҳалар билан таъминлаб туради. Қурол-аслаҳалар Даҳрандаги америкаликларнинг ҳарбий-ҳаво базасидан келтирилар эди. Америка зобитлари аксилинқлобр жангчиларни автомат қуролларни ишлатиш билан таништирар эди. 5-октябрь куни шимолдан аксилинқлобчилар Яман араб республикасига бостириб кирдилар. Саудия ва Иордан учувчилари аксилинқлобчиларни қурол ва ўқ – дорилар билан таъминлаб турардилар, ва Яманнинг ҳарбий объектларини бомабридимон қилдилар

2-октябрь куни Абдулла ас-Салал ҳукумати Саудия Арабистони билан дипломатик алоқаларни узиб ташлайди. Яман революцион комитети томонидан Ямандаги барча Саудия банклари, Америка компанияларига

¹ Саттаров Т.С. Нефть и антиимпериалистическая борьба. Т., Фан, 1974.с 167

нефть разведкаси таъқиқланади. Салал ҳукумати Яман ва БАҲ ўртасида ўзаро муодофаа ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисида пакт ишга туширилди. БАҲ Яманга Миср қўшинлари, танк ва авиация жўнатади.

Сауд ФАЙСАЛ ни қайта ҷақриб олишга мажбур бўлади. Амир ФАЙСАЛ ўша вақтда элчи вазифасида Саудия Арабистони делегациясига бошчилик қилиб АҚШ да БМТ га ташриф буюрган эди. 1962-йилнинг 5-октябрида у Оқ уйда АҚШ президенти билан учрашиб, унинг мададига розилик олади. 27-октябрда ФАЙСАЛ янги кабинет тузади, ва унда Бош-вазир ва ташқи ишлар вазири лавозимларани эгаллайди. Яманни тан олишга ундаган вазирлар ҳукумат янги таркибига киритилмайди.

ФАЙСАЛ Яманга нисбатан босқинчи руҳда иш олиб боради. 7-ноябрда Саудия Арабистони БАҲ (Бирлашган Араб Республикаси) билан ҳам дипломатик алоқаларни узади. Бунга жавобан Яман ВА БАҲ 10-ноябрь куни беш йилга мўлжалланган ўзаро муодофаа битимини имзолайдилар.

ФАЙСАЛ АҚШ га ҳарбий ёрдамни кўпйитишни сўраб илтимос қилади. ноябрь ўрталарида ГФР дан Саудия Арабистонига олти америка тез товушли учадиган қирувчи самолётлар келиб қўнади. Бироқ ФАЙСАЛ ичкаридаги душманларга дуч келади. 1962-йилнинг 6-декабрида Америка разведкаси ёрдамида Саудия Арабистони армияси бир гуруҳ зобитларнинг ҳукуматга қарши фитнаси фoш қилинади. 40 та зобит қамоққа олинади ва отиб ташланади. Ички ишлар вазири қирол саройи қўриқлашни кучайтиради. Саудия учувчилари ўзларининг самолётларига яқинлаштирилмай қўйилди. Фронтга қурол ва ўқ дориларни америкалик учувчилар элтиб беришга бошлайди. Мамлакатнинг барча аэродромлари “Оқ армия” отрядлари томонидан назорат қилина бошланди.

Яманга қарши интервенция Саудия Арабистонини Англия билан яқинлаштиради. 1963-йилнинг бошларида улар ўртасидаги дипломатик алоқалар тикланади. Бироқ Бурайма воҳаси масаласи ечилмаган муаммолигича қолиб кетди. Саудия Арабистонига полковник Тимберелла бошчилигидаги — халқ оммасининг ҳукуматга қарши намоёнлиқларига қарши

курашга мўлжалланган, қайтадан ташкил учун ҳукуматга ёрдам бериш учун ”ички қўшинларнинг хавфсизлиги” махсус британ миссияси келади.

Мамлакат ичида “қамчи ва кулча “ сиёсатини олиб боради. Ўзини ўрнини мустаҳкам қилиб олиш ва ҳукуматнинг буржуа доиралари вакиллари ўзига оғдириб олиш учун, у бир қатор ислохотларни эълон қилади ва баъзиларини амалга оширади. Қулчилик бекор қилинади. 1962-йили Хиджоз темир йўлининг учта давлат территорияларидан: Суриядан (140 км), Иорданиядан (320 км) ва Саудия Арабистонидан (750 км) ўтувчи Мадина – Дамашқ линиясини тиклаш ишлари бошлаб юборилди. 1963-йили саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш банки -25 млн. риал маблағ билан таъсис қилинди.

Саудия Арабистонидаги монархияга қарши ҳаракатлар империализмга қарши кураш характерини олди. Чунки монархия ва империализм бирдек халқни эзар ва қийнар эди¹.

1963-йилнинг январь-февраль ойларида нефть компанияларидан бири бўлган “Арабия секию”да 6 минг ишчиси иш ташлайди. Улар иш ҳақларини кўтариш ва Дахрандан АҚШ нинг ҳарбий базасини олиб чиқиб кетишини талаб қиладилар. 1963-йилнинг сентябрида Саудия Арабистони цемент компанияси ишчилари иш ташлайдилар ва улар иш ҳақларининг чет эллик ишчилари иш ҳақлари даражасида бўлишига эришадилар. 1963-йилнинг ёзида Наджран, Джизан ва Асирдаги қабилалар ўз ерларида Америка ҳарбий ва техника объектларининг жойлашишига норози бўлиб намоёишлар уюштирадилар.

Сауднинг Европага даволанишга кетишидан фойдаланган амир ФАЙСАЛ , ҳукумат идораларидан қиролнинг яқинларини ҳайдаб, ўзининг содиқ кишиларини уларнинг ўрнларига тайинлайди. Шунингдек, Сауд саройини кўриқловчи Миллий гвардиянинг қиролга содиқ офицерлари ҳам истеъфога чиқишга мажбур қилинади, иккита батальон – танк ва пиеда батальони эса Яман чегарасига жўнатиб юборилади. Қиролни кўриқлаш

¹ Саттаров Т.С. Нефть и антиимпериалистическая борьба. Т., Фан, 1974.с 224

учун икита рота қолдирилди. Жанубий вилоятлар амирларини ҳам ФАЙСАЛ ўз тарафдорларидан тайинлайди. Шундай қилиб ҳамма жойда аста – аста ФАЙСАЛ ўз ҳукмронлигини ўтказа бошлайди.

1963-йилнинг 27-апрелида Ар-Риёдга қайтган Сауд ўз ҳокимиятини тикламоқчи бўлади. Бироқ унинг 39 та ака-укаси унга ультиматум қўйишиб, ё ҳозирги ҳукуматни илдизи билан йўқотасан, ёки тахтдан воз кечасан. Сауд ультиматумни рад этади. У АРАМКОНинг ёрдамига ишонарди, аммо америкаликлар унинг ёрдам сўраб қилган илтимосини орқага сурадилар. Сауд бутунлай яккаланиб қолган, унга бир неча бор суиқасд уюштириганди. Шунинг учун ҳам Сауд “даволангани” Европага шошилиш равишда жўнаб кетади.

Ар-Риёдга қайтиб келган Сауд яна давлатни бошқариш ишларини қайтаришга талаб қилади. ФАЙСАЛ унинг бу талабини инкор этади. Уни қирол оиласининг жуда кўп аъзолари қўллаб-қувватлайди. Шошилиш равишда чақирилган шайхлар мажлиси Саудни давлат тепасида туришини, аслида эса давлатни премьер-министр ФАЙСАЛ бошқаришини эълон қилади. Сауд эса эътироз билдиради. 1964 йилининг 22 мартда Ар-Риёдда бу қарорни тасдиқлаш учун иккинчи марта шайх ва уламолар йиғилади. Бундан ташқари шайх ва уламолар иттифоқи қиролнинг соқчилари саналган Миллий гвардия ҳам давлат назоратига ўтишини тасдиқлайдилар.

1964 йилнинг 2-ноябрида Макка радиоси Саудия Арабистонига қирол этиб ФАЙСАЛ тайнланганлигини эълон қилади.

Қирол ФАЙСАЛ нинг мамлакатни идора қилиши. ФАЙСАЛ ҳукумат тепасига келганидан бошлаб, ўз позицияларини мустаҳкамлаш қатор маъмурий чоралар кўрди. 1964-йилнинг ноябрида у қиролнинг Вазирлар Кенгаши устидан ҳукмронлигини таъминлаш борасида иккита қонун киритди. ФАЙСАЛ - ҳам Бош вазир, ҳам ташқи ишлар вазири шу билан бир қаторда Саудия Арабистони ҳарбий кучлари олий қўмондони ҳам эди¹. бошқа барча муҳим жойларга қиролнинг яқин қариндошлари тайинланди.

¹ Новейшая история арабских стран Азии. М., Наука, 1988. С 237

Қиролнинг укаси Холид ибн Абдулазиз премьер-министр ўринбосари, кейинроқ (1965 йилнинг мартида) эса валиахд шахзода этиб эълон қилинади. қиролнинг бошқа укаси эса – Султон ибн Абдулазиз мудофаа ва авиация министри этиб тайинланади. Ўзининг ички ва ташқи сиёсатида ФАЙСАЛ ҳукумати йирик феодаллар ва миллий буржуазиянинг эҳтиёжларини ифода қилар ва уни ҳимоя қиларди. У аввалгидек АРАМКО ва бошқа ғарб монополилари билан итифоқчиликни давом эттиради. Миллий саноатни ривожлантириш чораларини ахтаради ва унинг чет эл билан рақобатбардошлгини орттиришга ҳаракат қилади. 1964-йилнинг 15-октябрида саноат ва савдо министрлиги мамлакатга кириб келаётган саноат асбоб-ускуналарига пошлиналарни бекор қилади. ҳукумат нефть излаш учун геологоразведка ишларига, нефть-кимё ва бошқа саноат корхоналар қуриш учун чет эл фирмалари билан қатор шартномалар тузади. 1965-йилнинг апрель ойида Саудия Арабистони марказий районлари ва Қизил денгиз сувларида нефтни разведка қилиш ва қазиб олиш учун Франциянинг “РАБ” фирмасига рухсат беради. Концессион шартномага кўра, АРАМКО билан тузилган шартномага нисбатан компания топган даромаддан Саудия Арабистонининг улуши 80% ни ташкил этади ва шунинг билан бир қаторда компания раиси ва директорлар кенгашининг ярмини саудлар эгаллаган эди¹.

1965-йилнинг октябрида ҳукумат АРАМКО билан нефть қазиб олиш аренда тўловини ошириш тўғрисида музокаралар олиб боришни бошлаб юборади.

Ҳукумат транспорт тизимини ривожлантириш режасини ишлаб чиқади. Режа бўйича 5 минг км. Шоссе йўлларини қуриш, бир нечта аэропортлар қўриш, Қизил денгиз ва Форс кўрфазидаги портларни кенгайтириш ишлари амалга оширилиши керак эди. Ушбу режанинг амалга оширилишининг бошланиши сифатида 1965-йилнинг октябрида итальян компанияси 600 км. узунликдаги шоссе йўлини қуриш лойиҳасига буюртма олиши билан

¹ Розалиев Ю.Н. Новая и новейшая история стран Азии и Африки. М., Наука, 1987.

бошлаб юборилди. Бошқа бир итальян фирмаси эса 45 минг.га ерни суғориш учун Жизан водийсида плотина вуришни бошлайди. АҚШ эса Жиддада умумий қиммати 14 млн.долларга баҳоланган сувни шўрсизлантирувчи курилмали электростанция барпо қиладилар.

Меҳнатакашлар жуда ҳам оз миқдорда ойлик эвазига яшар эдилар. Қишлоқ хужалк министрлиги нон топиш учун шаҳарларга кўчиб кетаётган бадавийлар учун давлат ҳисобидан уйлар куришни бошлайди. Шунинг билан бир вақтда давлат халқ оммасининг синфий курашларини аёвсиз равишда бостиради. Мана шундай қийин вазиятларда ҳам прогрессик кучлар яширин равишда Саудия Арабистони миллий озодлик кураши Фронтига бирлашадилар. Фронтнинг асосий талаблари: миллий конституцияни қайта кўриб чиқиш, демократик сайлов йўли билан парламентни сайлаш, демократик усулда сўз эркинлиги, наshr, партия, намойишларни таъминлаш, ваҳшиёна удумлар – қўлни кесиш кабиларни йўқ қилиш, нефт шартномасини халқ эҳтиёжларига мослаб қайтадан тузиб чиқиш, Дахрандаги ҳарбий базани тубидан йўқ қилиб юбориш, барча давлатлар шу қаторда социалистик давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтиришдан иборат эди.

Миллий озодлик ҳаракати fronti ушбу программани амалга оширишда изчил ҳаракатлар олиб борди. Улар жуда қийин аҳволда ва яширин ҳолда бўлитшларига қарамасдан намойишлар, иш ташлашлар уюштиришарди.

Саудия Арабистони ҳукумати ташқи сиёсати жуда ҳам қарама-қаришиликларга бой эди. Бир томондан – ички демократик кучларнинг ҳаракати ва БАР ва Алжирнинг араб дунёсидаги мавқелари бўлса, иккинчи томондан, Саудия Арабистонининг иқтисолдий ва ҳарбий томондан АҚШ га қарамлиги эди.

ФАЙСАЛ араб давлатлари Лигасида Саудия Арабистони обрўсини мустаҳкамламоқчи бўлади. Қоҳира ва Александрияда бўлиб ўтган араб давлатлари конференциясида унинг ўзи шахсан қатнашиб, агрессор Исроил

сиёсатиға қарши ўз фикрларини баён қилади. Фаластинлик қочоқларға уйлариға қайтишлари учун ёрдам бериш учун пулни аямайди.

Саудия Арабистони қўшни давлатлар билан чегараларни тартибга соларди. 1965-йилнинг июнида Катар билан бўлган демаркацияланади¹, июлда эса, ФАЙСАЛ, Саудия-Қувайт нейтрал зона нефть бўлими шартномасини ратификация қилади², августда Йордания билан чегара масалалари ҳал қилинади. Бошқа араб давлатлари билан бирдам бўлиб, Саудия Арабистони Бонндан ўзининг элчисини ГФРда Исроил билан дипломатик алоқалар ўрнатиш учун чақириб олади. Шунинг билан бир қаторда ФАЙСАЛ, Саудия Арабистони ГДРни тан олмаслигини ҳам эълон қилади.

ФАЙСАЛ ҳукумати - араб оламида америка –инглиз империализми сиёсатининг давомчиси саналади. Саудия Арабистони интенсив равишда қуроланади. Мудофаа министри 1965-йилнинг 17-июлида ҳукумат томонидан 5 млрд. риал маблағни - АҚШ ва Англиядан ҳарбий ва транспорт самолётлари, вертолётлари, ҳарбий кемалар, зенит ракеталари, радиолакация установакалар, ҳамда аэропорт ва базалар қуриш учун ажратганини маълум қилади. Декабрда эса бу харид амалга оширилади.

Бир вақтнинг ўзида ФАЙСАЛ ислом пактини ҳам ғайрат билан тарғиб қила бошлайди. АҚШ араб оламида социалистик ғояларни тарқалмаслиги учун ФАЙСАЛ ни реакционр кучлар раҳнамоси сифатида ҳаспўшлайди.

1965-йилнинг апрель ойида ФАЙСАЛ Маккада бутун жаҳон ислом конференциясини чақиради. Конференцияда Саудия Арабистони муфтийси шайх Муҳаммад ибн Иброҳим раислик қилади. ФАЙСАЛ нинг бу сиёсати Саудия Арабистони ва БАР ўртасидаги муносабатларни ёмонлаштиради. АҚШ ва Англияга ишониб қирол БАР билан муносабатни бузилишига олиб келади. 1966-йилнингёзларида аҳвол жуда ҳам мушкуллашади.

¹ Демаркация – демаркацион чизик, демаркацион(чегара) чизиғи

² Ратификация – ратификация, тасдиқламок

Яман президенти Носирнинг Саудия Арабистони ҳарбий базаларига зарба беришлик дағдағасидан чўчиган ФАЙСАЛ, БАРга америка бугдойини тўхтатиб қўйиш Саудия Арабистони чегаралари мустақиллигини АҚШ эълон қилишини мақсадида АҚШ га боради. 1966-йили президент Л.Жонсон ва ФАЙСАЛ америка-саудия коммюникесини эълон қиладилар.

ФАЙСАЛ нинг АҚШга ташрифи бутун араб оламида араб реакцияси билан империализмнинг ўзаро тил бириктириши деб тан олинади. Бироқ, АҚШ бошқа араб давлатлари билан алоқалари бузилишидан хавфсирагани ҳолда, Саудия Арабистонини ҳарбий томондан қўлламайди. Ташрифнинг амалий натижаси бу – “коммунизмга қарши америка-саудия қўшма фонди” ни тузишдан иборат бўлди.

1966 йилнинг август – сентябрь ойларида Файсал Осиё ва Африканинг мусулмон давлатларига ташриф қилди. У Туркия, Марокко, Гвинея, Мали Тунис ва бошқа давлатларда бўлиб, бу давлатлар раҳбарларини 1967-йили баҳорда Маккада бўладиган ислом конференциясига таклиф қилади. Мустақил давлатлардан Тунис, Марокаш, Иордания ва тўртта британ протекторати остида бўлган – Баҳрайн, Қатар, Аден, Жанубий Арабистон федерацияси давлатлари сўзсиз конференцияга бориш таклифини қабул қилдилар. Судан ва Қувайт иккиландилар¹.

Тўғри, 1970 йиллар охирларидан бошлаб, Саудия Арабистони ҳукумати фойданинг ҳаққоний бўлиниши талаб қила бошлайди. Хусусан, 1950 йилнинг 3 декабр кунигаги музокаралардан кейинги кескинлик нефть сотиш бўйича солиқларнинг ва даромадларнинг расман тенг бўлиниши бўйича “фифти-фифти” яъни “50 га 50” усулини татбиқ қилган ҳолда янги шартнома тузилди. 1950 йилдан мамлакатнинг нефть даромадлари икки бараварга кўпайди. Бироқ шунга қарамай Саудия Арабистон мамлакати саноати, ишлаб чиқариш соҳалари, иқтисодий аҳволи анча оғир ҳолатида эди.

¹ Новейшая история арабских стран (1917-1966), М., Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1967.

Шаҳарларда ишлаб чиқариш йўқ, ҳунармандчилик эса жуда ҳам суст ривожланганди. Қишлоқ хўжалиги эса кам сонли аҳоли воҳалар чегараларидагина мавжуд эди. Мамлакат аҳолисининг ярмига яқини кўчманчи ва ярим кўчманчилардан иборат эди. Бир қатор сабабларга кўра чоравачилик тушкун ҳолатда ва қабилалар жуда қийинчилик билан кун кечиран эдилар. Шунинг билан бир қаторда Яқин Шарқда асосий транспорт востияси саналган туяга эҳтиёж камайиб (агар йўқ бўлмасагина) кетган эди.

Қироллик эса катта феодал ер мулки сифатида яшаб келарди. Фойда биринчи навбатда қироллик оиласига ва иттифоқчи шайхларга кетар эди. 1940-1950 йилларда чет элда бўлган Саудийлар уруғи аъзолари Ғарбнинг ҳукмрон доираларининг ҳаёт тарзлари билан танишиб қайтгач, дабдабали ҳаётларини ўрганиб қайтдилар ва ўша тарзда яшашга ҳаракат қилдилар. Бу давлат молия соҳасида номутаносибликни келтириб бу эса крим ва чиқимларнинг тўла мос келмаслигида яққол кўриниб қолди. Қирол саройидаги коррупция жуда ҳам даҳшатли тусга кирган эди.

3 Саудия Арабистонидаги сиёсий-ижтимоий тузумидаги таркибий ўзгаришлар.

1953 йилнинг 9-ноябр кунда Ат-Тоифда шоҳ Абдулазиз ибн Сауд вафот этади. У ҳаёт даврида ўнлаб қонуний хотинлари бор бўлиб, у ўзидан кейин 34 та ўғил қолдирган эди. Унинг тўғридан-тўғри авлодларининг умумий сони эса 300 кишидан ортиб кетган эди. Мотам маросимида йиғилган юзга яқин шаҳзодалар шоҳ сифатида Саудга, тахт вориси сифатида эса Фейсалга қасамёд қилдилар. Янги қирол, Фейсалга Бош вазир лавозими берилган эди. Ўғай ака-укалар ўртасида бутун умрлари мобайнида тахт учун кураш бўлиб, Абдулазиз ибн Сауд вафотидан кейин ҳам бу кураш тугамаган эди.

Шоҳ бўлмиш Сауд ибн Абдулазиз отасидек давлат бошқаришда тажрибага эга эмас эди. Бироқ, отасининг яшаш тарзини мерос қилиб олган эди. У отаси ҳукмронлик қилган давр қонунлари бўйича яшашни давом эттирди. Ҳарамда минглаб, саройда эса 5 мингдан зиёд одамдан ташкил топган эди. Пулни кўп совураб, баъзида эса давлат ғазнасига ҳам қўлини тикарди. Давлат аппаратини порахўрлик кемираб, мамлакат эса 1950 йилнинг ўрталаридаги Сувайш канали инқрозининг чуқурлашуви таъсирида қолган. Бунинг натижасида Саудия Арабистони иқтисодий парчланиш арафасида эди.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз даркорки, Саудия Арабистони Мисрдаги инқлобий ўзгаришларни реал тарзда қабул қилди ва Г.А.Носирнинг янги тузумига ҳайрихоҳлик билан ёндашди. 1956 йилдаги Мисрга инглиз-француз-исроил агрессиясига қарши Ар-Риёд Қоҳирани қўллаб-қувватлайди ва ҳалокатга учраган томонга ҳарбий ёрдам беришга тайёрлигини билдиради. Сауд Буюк Британия ва Франция билан дипломатик алоқаларни узади, ўзининг собиқ Ғарбдаги иттифоқчиларига жўнатадиган нефтини тўхтатиб қўяди ва Мисрга ёрдам тариқасида сезиларли даражада кўп маблағни бериб юборади. Ўша даврда мустақамланиб бораётган Саудия Арабистони ва инқлобий Миср ўртасидаги ҳамкорлик ҳукмрон Сауд уруғи ва нуфузли

диний уламолар томонидан бир овоздан қабул қилинади. Уларни Миср пойтахти томонидан араблар халқ орасида монархияга қарши ҳаракатлар ташвишлантирар эди. Араб ислом оламининг бу икки етакчи давлатлари орасидаги муносабатлар 1958 йилдаги Миср ва Суриянинг Бирлашган араб Амирликлари бўлиб бирлашганларидан кейин музлатиб қўйилади. Бунда ҳатто Саудни президент Носирга суиқасд тайёргарлигида ҳам ошкора айбланади.

1958 – 1964 йиллар Саудия Арабистон юқори табақалари орасида таназзул бошланади. Саудийлар уруғи ва етакчи уламолар саройда давлат тўнтариши пишиб етилганлигига амин бўла бошлайдилар. 1958 йилнинг 24 - март кунида Фахд ибн Абдулазиз бошчилигидаги шахзодалар гуруҳи Фейсалга ҳукуматни топшириш, ғазнани тало-тарож қилишни тўхтатиш, қиролдан ўта ёқимсиз маслаҳатчиларни олиб ташлаш, Сауд ака-укаларини унинг ўғиллари билан тенглаштириш тўғрисидаги талаблар билан қиролга ультиматум топширадилар. Қирол бу ультиматумга ён босади ва бутун давлат маъмуриятини ўз қўлида тўппиб олиб қолгани ҳолда Фейсални премьер-министр этиб тайинлайди. Бироқ, Сауд ўз мавқеини сақлагани ҳолда у қабиаларнинг оқсуяклари билан яхши муносабатларини мустаҳкамлайди, уларни совғвлар билан сийлаб ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилади. 1959 йилнинг ёз ойларида у Мисрда расмий ташриф билан бўлган чоғида Носирга бўлган ҳаракатларида ўзининг айбсизлигини исботлашга уринади.

Ўзаро курашда шахзода Талям Ибн Абдулазиз бошчилигидаги “носирчасига” руҳланган Сауд оиласининг “эркин амирлари”нинг сиёсий саҳнага чиқишлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. 1960 йилнинг 21 декабрь кунида қирол Фейсални ҳукуматдан четлаштиради, ҳукумат кабинетини бошқаришни ўзига қайтариб олади, шахзода Талям ва унинг тарафдорларини давлат бошқарувининг муҳим жойларига тайинлайди. Саудия Арабистони юқори табақаси бир мунча давр ҳукумат учун рақобатлашувчи учта марказ кўринишида фаолият олиб борарди. Бир неча шахзодаларга ва қабила шайхларига таянган қирол Сауд; кўплаб уламолар ва хиджаз

савдогарларининг ҳар хил тамойилларни қўллаб-қувватловчи амир Фейсал; бир қисм амалдорлар ва шаклланиб келаётган зиёлилар орасидаги обрўга эга шахзода Талям эди.

Талям гуруҳининг инқирозга учрашининг асосий сабабларидан бири бу Сауд ва саройдагиларнинг Талям қилмоқчи бўлган ҳар бир ишига қарши эканлигидандир. Натижада Талям ва унинг тарфдорлари ҳукуматнинг юқори лавозимларидан бўшатиб юбориладилар. Давлат бошқарувининг муҳим ўринларини эса Сауднинг ўғиллари эгаллайди. Худди шу пайтда қиролнинг соғлиги ёмонлашади. Бу эса 1962 йилнинг март ойида қиролнинг Фейсални яна қайтадан расман ҳукумат раҳбари этиб тайинланишига мажбур қилади. Талям ва унинг тарафдорлари эса Қоҳирага жўнаб кетишга мажбур бўладилар.

1962 йилнинг октябрь ойида Фейсаль Саудия Арабистони делегациясига бошчилик АҚШда бўлиб ўтган БМТ нинг мажлисида қатнашади. Оқ уйда бўлиши билан Фейсаль иш фаолиятида АҚШ нинг қўллаб-қувватлашидан умид қилар эди. Мамлакатда жуда кўпчилик шахзодалар қирол Саудга қарши эдилар. Европага даволонгани кетган Сауднинг йўқлигидан фойдаланиб Фейсаль ҳукуматни қўлга олишга ғайрат билан киришади.

31 октябрь куни у янги ҳокимиятни тузади ва феодал режимни мустаҳкамловчи, хусусан, ўша режимни сақлаб қолишни мўлжаллаган янги дастурни эълон қилади. 1962 йилнинг 7- ноябрида махсус декрет билан кулчилик бекор қилинади.

1963 йилнинг 1 январь куни Фейсаль ҳукумати мамлакатда янги ҳарбий режимни киритади ва реформистик оқим оппозициясига қарши жазо қўллашни бошлаб юборади. Апрель ойларида ватанига қайтган Сауд эса ажратиб қўйилади. Унинг 39 та яқин қариндошлари қиролга ультиматум қўядилар. Давлатни бутунича Фейсалга топширган Сауд эса номигагина қирол бўлиб қолган эди ва чет элга жўнаб қолади. Қирол жўнаб кетиши биланоқ , Фейсаль Сауднинг барча ўғилларини давлат лавозимларидан

бўшатиб, уларнинг ўрнига ўзининг учта ака-укаларини – шахзода Холид, Фахд ва Султонни ҳамда тоғаси – Мусайд ибн Абдурахмонни қўяди.

1964 йилнинг бошларида Ар – Риёддан ватанига қайтган Сауд давлатни бошқаришни ўз қўлига қайтариш чораларини кўради. Бироқ, 29 мартда қирол тузумини сақлаган ҳолда бутун ҳокимиятни тўлалигича Фейсалга топшириш тўғрисида фатво эълон қиладилар.

Ушбу фатво орқасиданоқ Вазирлар Кенгаши бир қатор низомлар билан ҳаракатдаги армия билан тенг кучга эга нуфузли қабилалар қўшини ва Миллий (қирол) гвардиясининг назоратини ҳам қирол қўлидан тортиб оладилар. Валиахд шахзода қиролнинг барча имтиёз ва ҳуқуқларини қабул қилиб олади. 68 та шахзоданинг барчаси ҳукуматни Фейсалга топширишга рози бўладилар. 2 ноябрь куни ҳукумат уламоларнинг Фейсалнинг қирол этиб тайинланганлиги тўғрисидаги фатвосини ва бутун қирол оиласининг янги подшоҳига содиқлиги ва Фейсални қирол этиб эълон қилишини тан оладилар. 4 ноябр кунида Сауд тахтдан воз кечиш тўғрисидаги ҳужжатга имзо қўяди ва 1965 йилнинг январ ойида ватанини бутунлай тарк этади. Ўша йилнинг март ойидаёқ Фейсал валиахд шахзода этиб ўзининг ўғай укаси – шахзода Холидни тайинлайди.

1967 йилнинг июнь ойидаги урушда Мисрнинг енгилиши Саудия Арабистонининг араб оламидаги мавқеини янада орттириб юборди. Исроилга қарши кучларнинг зсиши Ар-Риёднинг ҳукмрон режими агрессия қурбони бўлган Миср билан ҳамкор бўлишга мажбур қилади. 31 август кунида араб мамлакатлари бошлиқларининг Хартумда бўлиб ўтган конференциясида Фейсал Исроил ҳаракатларидан ўта жабрланган Миср ва Иорданияга 50 млн.фунт стерлинг тақдим этишга рози бўлади. Конференцияда яна Яқин Шарқда вазиятни изга солиш борасида араб мамлакатлари сиёсатининг умумий принциплари ҳам ишлаб чиқилди. Кўп йиллар мобайнида уларнинг барчаси Исроилга ўз муносабатларини “тинчлик ҳам йўқ, тўғридан – тўғри музокаралар ҳам йўқ, тан олиш ҳам йўқ” қабилида ўз муносабатларини билдирар эдилар.

1970 йилнинг 28 сентябрдаги Г.А.Носирнинг вафоти Фейсални араб оламида лидерлик учун курашни фаоллаштиришга мажбур қилади. Ўз навбатида Миср янги президенти А.Саадат ҳам Саудия Арабистони субсидияларининг кўпайишига умид қилган ҳолда Фейсал билан яқинлашишга хайрихоҳ эди. 1971 йилнинг июнида қиролнинг Мисрга ташрифи чоғида унга жуда ҳам тантанали қабул уюштирилди¹. Саудия Арабистони Қоҳирага 30 млн. фунт стерлинг миқдорида ҳадя инъом этади ва йилига моддий ёрдамни кўпайтиришга ваъда беради. Фейсалнинг Қоҳирага қилган сафари чоғида (1973 йилнинг май ойи) Миср армиясининг қайта қуролланиши учун 250 млн. фунт стерлинг ажратиш тўғрисида келишиб олинади.

Араб миллатчилиги ва бирдамлиги ғояларини бир-биридан ажратмайдиган қирол Фейсал, 1960 йиллардаёқ, Араб давлатлари лигаси (ЛАГ) дан ҳам обрўлироқ бўлишини ҳисобга олган ҳолда, “ислом пакти” тузиш ғоясини илгари суради. Бу таклиф фақат Эрон шоҳи М.Р. Пехлави ва Иордания подшоҳ Хусайн томонидангина қўллаб-қувватланди, бошқа мусулмон давлатлари лидерлари эса Фейсал ташаббусига қарши чиқадилар. 1969 йилнинг сентябрь ойида Иерусалимдаги Ал-Аксо масжидининг ёндирилишидан кейин, аҳамиятлилиги жиҳатидан исломнинг муқаддас жойлари орасида 3- ўринда бўлган Работ (Марокаш)да мусулмон давлатларининг юқори табақадаги конференцияси бўлиб ўтади. Ундан кейиноқ яъни 1970-1972 йилларда Жиддада мусулмон давлатлари ташқи ишлар вазирлиги доирасида бўлган конференцияларида Исроилга қарши қатий чоралар кўриш тўғрисида қарор қабул қилинади. Бу қарор ўта олдин дан кўзда тутилган бўлиб , 1973 йил 6 октябрда янги Араб – Исроил уруши бошланади. Умумараб лидерлигига даъвогар Саудия раҳбарияти Исроилга қарши ҳаракатнинг муқаррарлигини англаб етади. Октябр уруши арафасида Фейсал, Исроилни Америка қўллаб-қувватлаши Америка томон учун ёмон ҳолат келтириб чиқариши мумкинлиги тўғрисида Вашингтонни бир неча бор

¹ Новейшая история арабских стран Азии. М., Наука, 1988.

огоҳлантиради. Ҳарбий ҳаракатлар бошланган кунининг эртасигаёқ, АҚШ давлат котиби Г.Киссинжер Миср ва Суриянинг ҳарбий ҳаракатларини тўхтатишга чақириш ҳақида Фейсалга телеграмма юборади. Қирол Исроилга қарши давлатлар коалициясининг позициясини ёқлайди ва Исроил босиб олган ерларни бўшатиб қўйишларини талаб қилиб, АҚШ давлати котиби телеграммасига жавоб йўллайди, шундан сўнг 9-октябрда Саудия ҳукумати армияни ҳарбий тайёр ҳолатга келтиради ва 14-октябрда ҳарбий қисмларини Сурияга ёрдам бериш учун жўнатади, 17-октябрда эса 5% лик эмбарго¹ ни ва АҚШ га нефть етказиб беришни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

“Нефть қуроли”нинг қўлланилиши, суюқ ёқилғи нархининг ортиши Саудия Арабистонининг моддий қудратининг ортишига ва уни араб олами консерватив давлатлари лидери даражасига олиб чиқиб қўйди².

1975 йилнинг 25 мартада Ҳайит куни Фейсаль Америка университетларидан бирида ўқиб қайтган ўзининг жияни бўлмиш Фейсал ибн Мусайд томонидан отиб ўлдирилади. Ушбу қотилликнинг асл сабаблари ҳозирга қадар ҳам номаълумлигича қолиб келмоқда. Қандай бўлишига қарамасдан ёш қирол ўлдирилиб, унинг ўрнини Холид эгаллайди. У бир вақтнинг ўзида министрлар кабинетини ҳам бошқарадиган бўлади. Давлат ички ва ташқи сиёсатини бош-вазирнинг биринчи ўринбосари қилиб тайинланган валиаҳд шахзода Фахд олиб борадиган бўлди. Қиролликнинг учинчи шахси эса Миллий гвардияга қўмондон бўлган шахзода Абдулла ибн Абдулазиз бўлиб қолади.

Ар-Риёд ўзининг ташқаридаги иттифоқчилари билан етарли даражада эхтиёикорона сиёсат юргизишга ҳаракат қиларди. 1975 йил Ливанда уруш ўчоғи очилганда ҳукмрон оила иккиюзламачилик қила бошлайди, христиан тузилмаларга ён босган бир пайтда Фаластин озодлик ҳаракати (ПДС) га ҳам ёрдам беради. Саудия Арабистони Мисрдаги А.Садат томонидан қон

¹ Эмабрго – эмбарго, чет эл молларини мамлакатга келтириш ёки мамлакатдан чиқаришни давлат томонидан тақиқлаб қўйиш.

² Ислам в современной политике стран Востока (конец 70-х начало 80-х годов XX в.). М., Наука, 1980.

тўкмасдан уюштирилган давлат тўнтаришини ҳайрихоҳлик билан қарши олади. Бироқ, Миср президенти Исроил билан сепаратистик¹ шартномалар тузиш йўлини танлайди.

1977 йил 19 ноябрда Ируссалимда бўлади, 1979 йил 26-мартда эса Кэип-Дэвидда тинчлик шартномасига қўл қўяди, Ар-Риёд биринчилардан бўлиб Қоҳира билан дипломатик алоқаларни узади ва унга молиявий ёрдамни тўхтатиб қўяди.

1977 йил қирол Холид ва АҚШ президенти ЖФорд ўртасида тузилган битим Америка ва Саудия Арабистони ўртасидаги алоқаларини мустаҳкамлайди. Саудия Арабистони 1984 йилгача нефть нархини 5% дан юқорига оширмасликка ва нефть сотишдан тушган “нефть долларлар”ини АҚШ ғазнасидаги узоқ муддатли қимматли қоғозларга сарфлашга мажбурият олади. АҚШ эса ўз навбатида ташқаридан бўладиган агрессияда Саудия Арабистонига ҳарбий кўмак беришни ўз бўйнига олади. 1977 йилга келиб Саудия арабистони қуролланиш бўйича Эрон шохлигидан ўзиб кетади. 1980 йил Ар-Риёд АҚШ га ҳарбий қурол учун 22 млрд.долларга буюртма беради. 1981-1982 эса мамлакат ҳарбий бюджети 25 млрд.долларга етади. Худди шу даврда қироллик ҳарбий қуроли кучлари сафидаги ҳарбийлар сони Миллий гвардияни ҳам қўшиб санаганда 150 минг кишини ташкил этарди.

Афғонистондаги 1978 йилдаги Апрель инқлоби Ар-Риёдда душманларча қарши олинди. Қироллик Қобул режимиға қарши бўлганларға молиявий ёрдам кўрсатди ва ушбу ёрдамни совет қўшинлари Афғонистонға киритилганидан сўнг яна ҳам кучайтирди.

1980 йил сентябрдаги Эрон-Ироқ уруши ўчоғи очилганидан кейин, Саудлар уруғини, Форс қўлтиғи князликлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш чораларини излашға ундайди. 1981 йилнинг 4-февралида Саудия Арабистони пойтахтида бўлиб ўтган йиғилишда Форс кўрфази араб мамлакатлари иттифоқи (ССАГПЗ) ни тузишға қарор қилинади. Бу иттифок Бахрайн, Қувайт, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари, Омон ва Саудия

¹ Сепаратив – сепаратив, ажралишға, ажралиб чиқишға қаратилган, сепаратизм руҳида

Арабистони киради. Иттифоққа аъзо бўлган давлатлар урушаётган Ироққа сезиларли даражада ҳам молиявий ёрдам, ҳам сиёсий ва ҳам маънавий мадад кўрсатардилар.

Навбатдаги Яқин Шарқ уруши - яъни Исроил қўшинларининг Жанубий Ливанга (1982 й июнь) бостириб киришига Саудия Арабистонининг муносабати нейтраль позицияда эди.

Ҳокимиятнинг тузилишида марказий фигура бўлиб қирол сақланиб қолган бўлиб, у барча қонунчилик ва суд ҳокимияти унинг қўлида қолган. Айни чоғда у жамиятнинг ўта нуфузли қатламлари: Саудлар уруғи аъзолари, атоқли уламолар, қабила шайхлари, иқтисодиётда замонавий секторнинг янги ижтимоий табақалари, ҳарбий кучларнинг вакиллари ва шунга ўхшашларнинг ҳолиш – истаклари ҳам ҳисобга олишга мажбур. Мамлакат ҳукумати юқори қисмлари асосан қирол оиласи аъзоларидан ташкил топган. Бу билан бирга 50-70 кишидан иборат қирол томонидан тайинланган Консультатив совет ҳам фаолият кўрсатиши ҳам тушунилади. Бироқ одатдаги яъни қонунчилик ишлар бўйича энг муҳим қарорларни қоида бўйича қирол атоқлидаги унинг билан биргаликда жуда яқин қариндошлари қабул қиладилар. Саудия Арабистони бизнесининг муҳим ўринларини қирол оиласи аъзолари эгаллаганлар. “Қирол технократлар” и деб номланган гуруҳ мавжуд бўлиб, улур асосан Ғарбда таълим олиб қайтган қирол оиласи аъзоларидир.

Амалга оширилаётган замонавий ислохотларга қарамасдан, диний ортодоксал юқори табақа вакиллари позициялари дахлсиз бўлиб қолаверди. Худди аввалгидек фуқароларни ахлоқ – одоби, юриш-туриши ва яшаш нормаларига ўз билганларича тазйиқ ўтказишни давом эттираверадилар. Уламолар магнитофонлар, тамаки маҳсулотларини сотиш, хусусий кино томошалари, радио (1963 йилдан бошлаб), телевидение (1965 йилдан бошлаб), газета ва журналларни тарқатишга кўникдилар. Ҳеч кимга маълум бўлмаган “Араб ярим ороли мусулмон инқлобий ҳаракати” ташкилоти 1979 йилнинг кузида Хижозда кўзғолон кўтаради. Бу ташкилотга 3,5 мингта

Саудийла сулоласига қарши кўзғолончилар йиғилган эди. Ташкилотга Жухайман – ат – Отаба бошчилик қиларди. Улар ортодоксал ислом давлатини қайтадан тиклаш, сотқин амалдорларни ўз лавозимларидан четлатиш, кироликдан чет элликларни ўз ватанлариги ҳайдаб юборишни ва худди Ҳижратнинг биринчи асри (VII-VIII аср) яъни “олтин аср”га қайтишни талаб қилиб чиқдилар. 20 ноябрдаги ҳукуматга қарши кўзғолончилар Маккадаги бош масжид – ал Харамни босиб оладилар. Фақат икки ҳафтадан кейингина ҳукумат қўшинлари авиация, артиллерия ва кўздан ёш оқизуви газ ишлатиб масжиддан кўзғолончиларни қувиб чиқаришга муваффақ бўладилар. 1980 йилнинг 9 – январиди Аль – Отейба ва унинг 62 тарафдорининг бошлари таналаридан жудо қилинади.

1982 йилнинг 13-июнида Холиднинг вафотидан кейин Саудия Арабистонига Фахд ибн Абдулазиз ас-Сауд қирол этиб эълон қилинади. Валиаҳд шахзода этиб эса Абдулла ибн Абдулазиз ас- Сауд эълон қилинади.

Охирги даврларда мамлакат ички сиёятининг ўзига хос жиҳатларидан бири бу–Ар – Риёд ҳукмрон консерватив режимига доимо ташқаридан мусулмон диний-сиёсий доиралари босими таъсир ўтказиб келарди. 1989 йилги “Ҳаж” мавсумида Маккада яна бесаранжомликлар юзага келади: портлаш натижасида жуда кўп бегуноҳ одамлар қони тўкилди, 16 та жангарилар жиноят жойида қўлга олиниб, уларнинг бари ўлим жазосига ҳукм қилинадилар.

Ижтимоий тузумнинг эволюцияси. Судия Арабистонининг нефть бўйича даромади 1973 йилга келиб 4,3 млн.долларни ташкил этди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 1938 йилда 0,5 млн.долларни ташкил қилар эди. 1980 йилларга келиб эса ушбу кўрсаткич 118 млрд. доллардан ҳам ошиб кетди. Давлат аппарати 1960 йилларда катта молиявий маблағларни ўз қўлида бошқара оладиган аҳволда эмас ва янги ижтимоий – иқтисодий функцияларни бажариш ҳолатида ҳам эмас эди. Нефть компанияларининг тўғридан – тўғри ўтказмалари давлат даромадининг 80 % идан ҳам ортиғини ташкил этарди. Давлат даромадининг бошқа иккинчи даражали манбалари бу

муниципал, порт, аэропорт ва йўл солиқларидан иборат эди. Мусулмонлар томонидан тўланадиган исломий солиқ яъни – закот давлат умумий даромадининг 1 % ини ташкил қиларди. Замонавий капиталистик ишлаб чиқариш ва оммавий импортнинг мамлакатга кириб келиши маҳаллаий хунармандчиликка қандай таъсир кўрсатган бўлса, қишлоқ хўжалигига ҳам худди шундай салбий таъсир кўрсатиб, мамлакатнинг анъанавий қолоқ иқтисодиётини бузиб ташлади.

Араб жамиятига АРАМКО бевосита таъсир кўрсатди. У ёлланма ишчи кучини чет элдан жалб қилар, замонавий қишлоқ ва шаҳарлар барпо қилар, чет эл капитали ёрдамида ёрдамчи хизматлар ва устахоналар тузар, йўллар қуради.

Маҳаллий маблағлар ёрдамида қурилиш материаллари, ишлаб чиқариш, кислород, муз, салқин ичимликлар, электростанциялар, мебель устахоналарига ўхшаш кичик корхоналар қурила бошланди.

1960 йилларда нефть қазиб чиқариш заводларини ҳисобга олмаганда Саудия Арабистонида бирорта бир корхонада юздан ортиқ ишчи кучи ишламас эди.

Қиролликнинг ишалб чиқариш буржуазияси 1970 йилларда ҳам тикланиш босқичида эди. Ишлаб чиқаришдан келаётган даромад жуда паст даражада эди. Саудлар уруғи маблағларини чет элга савдо-сотиқ , ер чайқовчилиги ва қурилиш корхоналарига сарфлар эдилар. Ушбу шароитда иқтисодий ривожланишда айниқса, давлат етакчилиқ қилишга мажбур эди. Худди шу мақсадда нефть ва минерал ресурслар Бош Комапанияси – Петролинга асос солинди. Петролин АРАМКОдан нефтни қайта ишлаб чиқарувчи заводларн сотиб олар, шу билан бир қаторда нефть маҳсулотларини тақсимлаш тизимини ҳам ўз қўлига олди. Хорижий компаниялар билан ҳамкорликда у минерал ўғитлар, олтингугурт, кислота,

пластмасса ва ҳ.к.ларни ишлаб чиқарадиган химиявий заводлар қуришга киришади¹.

Хориж техникаси, технологияси ва хорижий кадрлар ёрдамида замонавий тармоқлар мамлакат марказий районларини бир-бирига боғловчи катта автомобиль йўллари қурилиб, ишга туширилди.

Қизил денгизда Жидда ва Янбо портлари, Форс қўлтиғида Даммам, Ал Хабур, Мина Сауд портлари қайта таъмирланиб ва янгидан ташкил қилинди. Ар-Риёд, Мадина, Жидда ва бошқа шаҳарларда йирик аэропортлар ташкил қилинди.

Нефть даромадидан мамлакат иқтисодиётининг жуда тез ўсиши натижасида 1973 йилдан кейин Саудия Арабистонининг ижтимоий – иқтисодий структураси трансформацияси жуда тез ўсиб кетди. 1973 йил нефть компаниялари 4 млрд. 340 млн.доллар, 1978 йил эса 36 млрд.100 млн.доллардан пул маблағларини давлат бюджетига ўтказдилар.1976-1980 йилларга келиб эса давлатнинг умумий даромади янада кўпайиб, 300 млрд.доллардан ошиб кетди. Саудия Арабистонининг биринчи беш йиллик планни бажариш учун (1971-1975 йиллар) – 9 млрд.доллар, иккинчи беш йиллик 140 млрд.доллар, бундан 20 млрд.доллари ишлаб чиқаришга, учинчи беш йиллик (1980-1985 йиллар) – 211 млрд. доллар, шундан 45 млрд.доллари шлаб чиқаришга ажратилди. Шунингдек, жуда катта маблағ инфраструктурани тузишга, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, ижтимоий эҳтиёжларга (бепул тиббий ёрдам ва таълим), хусусий секторни кенгайтиришга ажратилди. Мамлакатда бу даврда йирик нефтни қайта ишлаб чиқарувчи заводлар ва нефть-кимё газни қайта ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилиб ишга туширилди. Улар асосан экспорт учун мўлжалланган бўлиб, металлургия саноати эса ички эҳтиёжлар учун мўлжалланган эди.

¹ Цветкова Н.Н. Международные монополии и социальная эволюция в развивающихся странах Азии. М., 2001

Қолоқ мамлакатнинг индустриялаштириш яъни саноатлаштиришни ташқаридан техник ёрдамсиз тасаввур ҳам қилиш қийин бўларди. Саудия Арабистонининг индустриялаштирилиши АҚШ учун фойдали: у инвестициялар ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва хизматлар учун жуда катта ҳажмдаги бозор тузади шу билан бир қаторда 1980 йилдан буён бўлиб келаётган АРАМКО нинг (пул эвазига қайтариб олиш) босқичма – босқич национализация¹си қилишни бошлаб юборади. Беш йиллик планларни ишлаб чиқишда америкалик экспертлар иштирок этишиб, Саудия Арабистони иқтисодиётини ривожлантириш АҚШ га ҳамфойдаси тегадиган қилиб тузишга ҳаракат қилганлар ва қиммат-қимат объектлар қурилиши учун йирик подрядларниқўлга киритишарди.

Нефть қазиб чиқариш, борингки, бутун Судия Арабистонида ишчи кучи етишмовчилиги кескин муаммолардан бири эди. Инсон ресурсларининг тақчиллиги, анъанавий ёндашишлар сабаб биринчи навбатда кўчманчилар, ундан кейин жуда ҳам кўп сонда хориж ишчи кучларини жалб қилишгина мажбур бўлишарди.

Имтиёзли нефтчи гуруҳлари асосан сауд арабларидан ташкил топарди. Қолган ишлаб чиқариш жабҳаларида эса камбағал араб мамлакатлари, покистонлик, индонезиялик ва бошқа халқлар вакиллари хизмат қилишарди. Албатта, улар, маҳаллий аҳолидан фарқли ўлароқ, фуқароликка ва кўплаб имтиёзларга даъво қила олмас эдилар. Шундай қилиб, мамлакатдаги муҳожирларнинг кўплиги сабаб, ишчи кучига бўлган талабгорлик муаммолари ечилсада, аммо ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарарди.

1981 йилдаги дунёда нефтга бўлган талабни камайиши натижасида Саудия Арабистони нефтини қазиб чиқариш 1980 йили кунига 9 млн. баррелдан 1985 йилга келиб 2,3 млн.баррелга тушиб кетди. Шунга мувофиқ

¹ Национализация – национализация, национализация қилиш, хусусий мулкни давлат мулкига айлантириш

равишда нефть экспорти ҳам 101 млрд.доллардан 22 млрд.долларга тушиб кетди.

1985 йилги тўлов балансидаги камомат (дефицит) 20 млрд. долларни ташкил қилди; валюта захираси 1982- 1985 йилларда 40 млрд.долларга камайди. Қиролликда инқроз деб талқин қилинган ушуб иқтисодий таназзул кўплаб иички сиёсий, ижтимоий ва этник қарама-қаршиликларнинг кескинлашувига олиб келди.

Хулоса

1980 йиллар охири 1990 йиллар бошларида ҳам иқтисодий кризис ўтиб кетмаган бўлиб, қийинчиликлар ташқаридан келаётган хавф олдида чекинади. 1990-йили 2 августда Ироқ қўшинларининг Қувайтга бостириб кириши билан “кўрфаздаги уруш” деб номланган уруш бошланган эди. Саудия Арабистони қироли Фахд АҚШ га ёрдам сўраб мурожаат қилади. Худди шу вақтда С.Хусайнга қарши зарба бериш учун иттифоқчи араб давлатлари ўртасидаги алоқалар қизғин тусга киради. Судия Арабистони аҳволининг қийинчилиги шунда эдики, Ироқ давлати бошлиқлари умумараб ҳимоячиси йўлини тутган ҳолда, Исроил босиб олган араб ерларини қайтаришга АҚШ нинг босим ўтказишини талаб қилиб чиқади. Бундай очикчасига Америка ва Исроилга қарши чиқиш араб давлатлари аҳолиси ҳайрихоҳлигини чақиради.

Ироқ агрессияси Форс кўрфази давлатлари, албатта, Саудия Арабистони ҳаётининг асосий мазмунини ташкил қилди. АҚШ томонидан ўтказилган ҳарбий операцияси “Саҳродаги бўрон” тугаши билан қироллик учун ҳарбий хавфни олиб ташлаган бўлсада, янгиларини ҳам келтириб чиқаришга улгурган эди.

Ироқ билан уруш мамлакат иқтисодига таъсир ўтказмасдан қўймаган эди. Мутахассисларнинг баҳолашича, ушбу уруш мамлакат учун 70 млрд. долларга яқин маблағга тушди. Шунинг учун бўлса курак, ҳудудда хавфли вазият сақланиб қолган, Саудия Арабистонини 1996 йил ўзининг бюджетини - 13,2 млрд. долларга, ҳарбий кучлари сонини – 105,5 минг кишига кўтарди. Саудия Арабистони ерларидаги нефть конлари ва уни қазиб чиқариш даражаси дунёда энг йирик бўлсада, 1990 йиллар ўрталарида иқтисодий тақчиллик ўрнини қоплай олмасди. Қиролликнинг тўлов баланси 1990 йилларда жуда ёмонлашди. Даромадлар умумий суммаси камайди. Бюджет дефицити қиролликда хориж капитал маблағларининг камайишига олиб келди. Ҳукумат, ҳатто мудофаа ва хавфсизлик харажатларини 1990 йилги 57 % дан - 1995 йилга келиб 43 % га туширди.

Мамлакат ривожланиши мақсадлари қайтадан кўриб чиқилди. 1990 йилларда иккита беш йиллик режаси бўйича иш кўрилади: бешинчи беш йиллик – 1990-1995 йиллар ва олтинчи беш йиллик 1995 - 1999 йиллар.

1990-1995 йиллар режаси қуйидаги олти асосий мақсаддан иборат:

- 1 - нефтдан ташқари манбалар эвазига давлат харажатларини кенгайтириш;
- 2 – хусусий сектор таянчлари қудратини кучайтириш;
- 3 – маҳаллий ишчи кучини касбга тайёрлаш;
- 4 – импортни алмаштириш ва экспортни кенгайтириш;
- 5 – нефт соҳалари ҳисобидан иқтисодий фаолиятни диверсификациялаш.
- 6 – турли ҳудудлар ривожланишини тенглаштириш.

Олтинчи беш йиллик режани иқтисоднинг ўртача йилига 3,45 % га ўсишига мўлжалланди. Ушбу беш йилликнинг энг муҳим вазифалари: 1- нархларни ушлаб туришда субсидияларни¹ қисқартириш йўли билан бюджет балансини ушлаб туриш; хусусийлаштириш программасини амалга ошириш (асосан, давлат секторидаги ночор аҳволдаги корхоналар); ички бозорда ишчи кучини маҳаллий аҳоли яъни сауд фуқаролари ҳисобига ошириш (албатта чет эл ишчи кучларини камайтириш ҳисобига).

1995 йил ХВФ Саудия арабистони ҳукуматига мамлакатда эркин бозор муҳитида иқтисодий радикал қайта қуриш, оммавий хусусийлаштириш ва ҳ.к.ларни таклиф қилди.

Беш йиллик режа масалаларини татбиқ этиш билан дефицит бартараф қилинди, Ички ялпи маҳсулот 1994 йилга келиб 514 млрд. риалга ўсди ва бу ўсиш 90 - йилларда ҳам давом этди.

Табиийки, мамлакат иқтисодий ривожланишига демографик ҳолати ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ислохотлар ўн йилликлари давомида Саудия Арабистони жамияти тубдан ўзгарди. Аҳоли ўсиш даражаси 3% лигича қолиб кетди. Аммо 90 – йиллар охирига келиб шаҳар аҳолисининг улуши 80 % дан ортиб кетди. Бундан ташқари демографик портлаш натижасида мамлакат

¹ Субсидия – субсидия, ёрдамга бериладиган пул, маблағ.

аҳолиси жуда тез ёшарди: мамлакат аҳолисининг 50 % и 15 ёшгача ўсмирлар, 60 % и эса 19 ёшгача ёшларни ташкил қиларди.

Нефть қазиб ва нефтга боғлиқ бўлган саноатнинг ривожланишадан гуллаб – яшнаётган Саудия Арабистони эффектив ижтимоий сиёсат юргиза бошлайди. 90 – йилларга келиб болаларнинг 100 % и бошланғич таълимга жалб қилиб бўлинди ва аста-аста олий маълумот олишни ҳоҳловчилар сони ҳам кўпая бошлади. 2000 йилга келиб Олий ўқув юртларидги талабалар сони 72 % га кўпйтириш муўлжалланди.

Соғлиқни сақлаш тизимида давлат ўта замонавий клиник хизматлар кўрсатишни режалаштирди. Қиролликда барча фуқароларга, ҳатто саҳродаги бадавийларга (кўчманчи араблар) ҳам бепул тиббий хизмат кўрсатила бошланди.

Мамлакат сиёсий аҳволи ва ривожланишнинг асосий натижалари. Кўрфаздаги бўлиб ўтган уруш оқибатлари мамлакат ички аҳволига таъсир ўтказганлиги яққол кўриниб турарди. Мамлакатда ислом дини азалдан мавжудлиги, чет элликлар ва улар ҳаёт тарзларининг мамлакат ичкарасига кириб келиши натижасида 1990 йиллари жамиятнинг қатламларга бўлинишига олиб келди. Бир томонда, янги, нефть саноатининг ривожланиши натижасида юзага келган қатлам бўлиб, улар - ишлаб чиқариш буржуазияси, зиёлилар, талабалар гуруҳи демократик эркинликлар, янги конституция тузиш, диний ва маиший чекловларни камайтириш талаблари билан чиқдилар. Иккинчи томонда эса, диний уламолар ва уларни ёқловчилар гуруҳи аввалги тузум ўзгармай қолдириш талаблари билан чиқдилар.

1995 йилнинг ноябри ва 1996 йилнинг июнида Ар-Риёд ва Хубарда портлашлар рўй беради. Натижада 26 америкалик ҳарбийлар ҳалок бўлади ва жуда кўпчилиги ярадор бўладилар.

Ҳукумат бундай икки ўт орасида қолиши биринчи марта қолиши эмас эди. Ҳар икки томон ҳам қирол ва ҳокимият тепасидагларнинг қўллашини ҳоҳлар, бироқ ҳеч қандай танқидга эътибор қилмас эдилар. Фахд ўзини

урушгача бўлган давр тартиблар тарафдори деб эълон қилади. У шаҳарларда кинотеатрлар очиш тўғрисидаги қарорларни бекор қилади, чунки давлат тепасида турган нуфузли ислом уламолари агар бирорта “одам шайтон уйи”да пайдо бўлса, улар мамлакатни ташлаб чиқиб кетишларини айтиб кўрқитадилар. Америка ҳарбий кучларининг мамлакатдан чиқиб кетиши биланок, ҳукумат 16 контрабандист ва давлат жиноятчиларининг бошларини таналаридан жудо қилдилар.

Ўзбекистон – Саудия Арабистони муносабатлари. 1992 йилнинг февраль ойида Саудия Арабистони ташқи ишлари вазири шахзода Сауд ал-Файсал бин Абдулазиз Ол Сауднинг Ўзбекистонга, ўша йилларда Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг Саудия Арабистонига ташрифларидан сўнг, 1992 йилнинг ноябрь ойида Жидда шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг консулхонаси, май ойида Ар-Риёдда элчихонаси, 1997 йилнинг 27-мартида Тошкентда Саудия Арабистони элчихонаси очилди. 1995 – йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг Саудия Арабистонига қилган ташрифи давомида Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида савдо, иқтисод, инвестициялар, техника, спорт ва ёшлар ишлари соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди. 1996 йилнинг апрель ойида Ар-риёдда Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, 1998 йили март ойида “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари” асарлари араб тилидаги нашрининг расмий тақдими ўтказилди.

1996-йили Саудия Арабистонининг “Делта ойл” ширкати билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Жумладан, Ўзбекистон ҳукумати АҚШ – Саудия Арабистонининг “Юникол” ва “Делта ойл” ширкатлари консорциуми билан нефть ва газ қувурлари лойиҳалари тўғрисида битим, “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси ва Ўзбекистон нефть разведкаси ҳамда уни казиб чиқариш ҳақида англашув баённомасини имзолади. 1996 йилнинг

январиди “Ўзбектуризм” компанияси ва “Ал-Марва” ширкати билан туризм ва авиачипталар сотиш тўғрисида битим имзолади. 2002 йилда Ўзбекистон – Саудия Арабистон ўртасидаги товар айланмаси 3,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонига экспорти, асосан, савдо ва унга алоқадор хизматлардан иборат. Айни пайтда, Саудия Арабистонидан ширинликлар, дон, гилам ва полни қоплайдиган маҳсулотлар, ўсимлик ва мол ёғи, мебель ва чойшаблар, спиртсиз ичимликлар, оптика жихозлари, пойабзал, бўёқлар, ўйинчоқ ва спорт анжомлари олинади.

Ўзбекистонда Саудия Арабистони иштирокидаги 14 корхона рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 10 таси қўшма корхона, 4 таси 100% Саудия Арабистони сармоясидаги корхоналардир.

Икки давлат ўртасида таълим ва дин соҳаларида ҳам ҳамкорлик ривожланган. 1997 йил Саудия Арабистони олий таълим вазири Халид ал-Анқарий Ўзбекистонга Саудия Арабистонининг бир нечта университетлари ректорларидан иборат делегация билан ташриф буюрди. Мустақиллик даврида республикамизнинг 45 мингдан ортиқ фуқароси ҳаж, 35 мингдан ортиқ фуқароси умра сафарларида бўлдилар (2004 й).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т: Шарқ, 1998
2. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.-Т: Маънавият, 2008
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 13-том. Т., 2001 й. 7-том.
4. Дьякова И.С. Внешняя торговля развивающихся стран Азии. М., 1978.
5. Розалиев Ю.Н. Новая и новейшая история стран Азии и Африки. М., Наука, 1987.
6. Саттаров Т.С. Нефть и антиимпериалистическая борьба. Т., Фан, 1974.
7. Цветкова Н.Н. Международные монополии и социальная эволюция в развивающихся странах Азии. М., 2001
8. Новейшая история арабских стран Азии. М., Наука, 1988.
9. Ислам в современной политике стран Востока (конец 70-х начало 80-х годов XX в.). М., Наука, 1980.
10. Новейшая история арабских стран (1917-1966), М., Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1967.
11. Всемирная история в 12-ти томах. М., Политиздат. 1960.

Интернет маълумотлари